VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

58 (430) ● 2016 йил 14 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг Арнасой туманидаги ижроси маҳаллий Кенгашда муҳокама этилди

"Банк кредитлари — ҳунармандларга" лойиҳаси кўмагида жиззахлик маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга имтиёзли кредитлар ажратилди

Нарпай тумани Алишер Навоий номидаги МФЙ қошида ташкил этилган бошланғич партия ташкилоти аъзолари 180 нафарга етди

Муносабат

Инсон манфаати ҳар нарсадан устун

Мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, аввало, инсон манфаати, унинг орзу-ниятларини рўёбга чиқаришдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Халқимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган тарихий йўли, эришган ютуқ ва марралари, уларнинг моҳияти ҳамда аҳамияти ҳақида чуқурроқ мушоҳада этсак, бу жиҳатлар, айниқса, яққол намоён бўлади.

Жорий йилнинг 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда кириб келаётган янги — 2017 йил юртимизда **Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили,** деб эълон қилиниши ҳам бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Маросимда Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатлари юзасидан ёндашувни тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб, ушбу йилда амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифаларга алоҳида тўхталди. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилиши таъкидланди. Бу эса Бош қомусимизнинг 2-моддасида белгилаб қўйилган "Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" қоидасининг амалдаги рўёбини таъминлашга хизмат қилади.

> 2-бет.

ЎзМТДП дастури — амалда

Сардор Муллажонов суратлари

Конституция — демократик ҳуқуқий давлат асоси

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ҳамда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳамкорлигида "Конституция — демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг кафолати" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партиянинг Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, ҳуқуқшунос олимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатини Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректори Салоҳиддин Юнусов кириш сўзи билан очиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимиз хоҳиш-иродаси, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, қадриятларимиз ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини ўзида мужассам этган қомусий ҳужжат эканлиги, истиқлол йилларида жамиятнинг барча жабҳасида эришилаётган улкан ютуқлар, амалга оширилаётган ислоҳотларда Бош қомусимизнинг ўрни ва аҳамияти беқиёслигини таъкидлади.

> 5-бет.

Ушбу сонда:

Телевизор қаршисидаги бола

унга қандай муносабатда бўлган маъқул?

> 6-бет.

Антиқа музей

Франциянинг Мюлуз шаҳрида жойлашган ушбу музейни Париждаги машҳур Лувр музейига қиёслашади. Сабаби уларда дунёнинг ҳеч қаерида учрамайдиган ноёб экспонатлар сақланади.

> 7-бет.

Мўъжизакор тупроқ жозибаси

Шерободнинг туман марказига яқин бўлган Ғамбур қишлоғида қадим дарёларнинг излари бор. У ерда 2-10 метр қалинликдаги лойқа қатлам сақланиб қолган

> 8-бет.

Обуна — 2017

Сардор РАҲИМХОН, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Мамлакатимизда миллий эстрада санъатини ривожлантириш, уни аждодларимиз бой маънавий мероси билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, мусиқа ва санъат навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан баркамол вояга етказишда муҳим воситадир.

Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2016 йилнинг 13 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Сенаторлар ўз ишини **Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги** масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари макроиқтисодий мувозанатни ва барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Хусусан, ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,2 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоизга ўсиши тахмин қилинмоқда.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжатида асосий эътибор чуқур таркибий ислоҳотларга ва муҳандислик, йўл-транспорт ҳамда ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга, шунингдек, минтақаларнинг даромад базасини ошириш орқали бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга йўналтирилган фаол инвестициявий сиёсат олиб боришга қаратилган.

Солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари иқтисодиётга тушадиган солиқ юкини ялпи ички маҳсулотга нисбатан жорий йилдаги 20,2 фоиздан 18,9 фоизга камайтиришни, солиқ маъмурчилигининг шаффофлигини таъминлаш орқали уни яхшилашни, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни назарда тутади.

Солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида асосий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг (фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, қўшимча қиймат солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, ягона ижтимоий тўловнинг) ставкаларини сақлаб қолиш таклиф этилмоқда.

Бунда мамлакат бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинади. Унда бюджет ташкилотлари ходимлари ойлик иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорларини инфляция даражасидан ортиқ даражада ошириш орқали аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш назарда тутилади, бу эса аҳолининг харид қилиш имкониятларини оширишга кўмаклашади.

> 3-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
58 (430) 2016 йил 14 декабрь, чоршанба

Инсон манфаати ҳар нарсадан устун

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Бундан ташқари, давлат хизматларини "ягона дарча" принципи бўйича бир идора орқали кўрсатиш тизимини такомиллаштириш одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларга қулай шарт-шароитлар яратишда муҳим омил бўлиши алоҳида қайд этилди. Зеро, бу фуқароларнинг давлат органларига бориб овора ва сарсон бўлишлари, айрим мансабдор шахсларнинг тўраларча муносабати қурбонига айланишларининг олдини олади. Яъни, фуқаролар ижтимоий ҳаётнинг турли масалалари бўйича фақат битта тегишли тузилмага мурожаат этган ҳолда уларни ҳал этиш имконига эга бўладилар.

Маърузада қонун чиқарувчи орган олдига парламент назоратининг самарали усулларидан фойдаланишга қаратилган жуда муҳим вазифалар қўйилди. Яъни, парламент ва жамоатчилик назоратининг таъсирчан механизмларини шакллантириш мақсадида шаҳар ва туманларда ҳақиқий аҳволни ўрганиб, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиш тартибини янада такомиллаштириш, бунда депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида ўзи сайланган ҳудуддаги ижроия ҳокимият органи, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг фаолиятини ўрганиши, таҳлил қилиши ҳамда тегишли хулоса бериши тавсия этилмоқда. Қолаверса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенати Раиси жойларга чиқиб, маҳаллий ҳокимликлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларидан улар ўз зиммасидаги вазифаларни қай даражада ижро этаётганига, аҳолини ўйлантираётган муаммолар, уларнинг мурожаатлари қандай ҳал қилинаётганига алоҳида эътибор қаратадилар.

Амалдаги қонунларимизга мувофиқ, Олий Мажлис палаталари ҳар йили бир қатор давлат органлари раҳбарларининг ҳисобот ва ахборотларини эшитиб боради. Тан олиш керак, бу борадаги имкониятлардан самарали фойдалана олмаяпмиз. Юқоридагилардан келиб чиқиб, биз депутатлар бу борадаги ишлар самарадорлигини янги босқичга кўтаришимиз лозим. Миллий парламентимиз 2017 йилдан бошлаб ҳар бир вилоят бўйича бир йилга мўлжалланган иш режасини белгилаб олиб, бу борадаги ишларни ташкил этишда парламент сўрови, тегишли давлат органлари раҳбарлари ахборотларини эшитиш каби парламент назоратининг шаклларидан кенг фойдаланади. Бунда, албатта, сайловчи олдидаги мажбуриятимизни тўлақонли бажариш, ўз ваколатимиздан самарали фойдаланган ҳолда аҳолини ўйлантираётган турли масалаларни ўз вақтида ҳал этишга кўмаклашиш зиммамиздаги энг муҳим вазифалардан бўлиб қолади.

Юқоридаги таклиф ва тавсияларнинг амалга оширилиши Олий Мажлис ва жойлардаги вакиллик органларининг давлат ҳокимияти тизимидаги ролини ошириш билан бирга ижро этувчи ҳокимиятнинг қонунлар ижросини сўзсиз таъминлашдаги масъулиятини кучайтириш имконини беради. Албатта, бу каби саъй-ҳаракатлар замирида, энг аввало, инсон манфаатини улуғлаш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини мустаҳкам ҳимоя қилиш, орзуниятларини рўёбга чиқаришдек эзгу мақсад мужассам. Бу эса кириб келаётган янги йил мамлакатимиз сиёсатининг бош мақсади — инсон манфаати ҳар нарсадан устун, деган эзгу ғояни изчил давом эттириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида яна бир улкан қадам бўлади.

Жаҳонгир ШИРИНОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

"Халқ қабулхоналари" —

очиқ мулоқотнинг муҳим механизми

Мустақиллиқнинг илк йилларидан бошлаб Конституциямиз ва унга асосан қабул қилинаётган қонунлар аҳоли турмуш фаровонлигини тобора юксалтириш, мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бош қомусимиздаги эзгу ғоялар бугун жамиятимизнинг, давлатимизнинг асосий мақсадига айланиб, йилдан-йилга ўзининг ҳаётий ифодасини топиб бораётир.

Конституциямизнинг "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" деган 2-моддасига эътибор қаратайлик. Мазкур модда воситасида Конституциямизда инсон ва унинг қадр-қиммати бош мақсад сифатида белгиланмоқда.

Шу йилнинг 7 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Бош қомусимиз турмушимиз, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишида, барча соҳада амалга оширилган самарали ислоҳотларга асос бўлганини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам Конституция ҳар томонлама ривожланишимиз, олдимизга қўйган юксак мақсадларга эришишимизда, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз учун тинч, обод ва фаровон ҳаёт барпо этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тантанали маросимда, анъанага кўра, 2017 йил **Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили,** деб эълон қилинди. Ушбу таклифни вилоятимиз аҳли ҳам хурсандчилик билан кутиб олди. Бу Биринчи Президентимиз Ислом Каримов бошлаб берган инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиши каби эзгу ғоянинг мантиқий давоми бўлди.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчасини бир-биридан айро тасаввур қилиб бўлмайди. Бу эса юрт тараққиётига, халқ фаровонлиги юксалишига олиб келади. Яъни, мулоқот ва манфаат тушунчаси халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойилга асосланади. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилидаги асосий вазифалар давлат органларининг фуқаролар билан ўзаро муносабатларининг тубдан такомиллашишига замин бўлиб, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни ҳал этишнинг янги механизмлари ва самарали усулларини топиш учун имконият яратади. Бу эса, халқнинг давлат ва жамиятга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳар бир туман ва шаҳарда "Халқ қабулхоналари" ташкил этилиши ва уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш одамлар билан очиқ мулоқотда бўлиб, аҳолини ўйлантираётган масалалардан бохабар бўлиш, фуқаролар мақсад ва манфаатларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутади. Айниқса, бундай қабулхоналарнинг сиёсий партиялар тизимида ҳам фаолият кўрсатиши партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг халқ манфаатлари йўлидаги ташаббусларини, саъй-ҳаракатларини янада кенгайтириш имконини беради. Шу билан бирга, сиёсий партиялар ва барча даражадаги халқ вакилларининг масъулиятини, аҳоли олдидаги ҳисобдорлигини ҳам оширади. Зеро, халқ вакили ҳақиқий маънода одамларни ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш, уларнинг оғирини енгил қилишга кўмакдош бўлиши, шунингдек, аҳолининг ўй-фикрларини, таклифларини қуйидан юқори бўғинга олиб чиқиб, аниқ натижага эришишга интилиши лозим. Ана шундай масъулиятли вазифаларни амалга оширишда ташкил этилажак "Халқ қабулхоналари" биз депутатлар учун ҳам айни муддао. Зеро, бу қабулхоналар ҳар бир ҳудуддаги вазиятни, аввало, қонун, фармон ва қарорлар ижросини, аҳолининг кенг қатламига етказиш, уларнинг самарадорлигини янада оширишда муҳим қадам бўлади. Бу эса, ўз навбатида, инсон манфаатларини таъминлашга, дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлидаги ишларимизни изчил давом эттиришга асос бўлади.

Барно ИСЛОМОВА,
халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси

Мустақил тараққиёт йилларида тадбиркорликни ривожлантириш, қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва иқтисодиётнинг жозибадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратмоқда, миллий иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига хизмат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти шу йилнинг декабрь ойида қабул қилган "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда сайёҳликни янада ривожлантириш, унинг янги турларини йўлга қўйиш, туризм билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларига енгилликлар бериш, ҳар томонлама қулай шароит яратишга қаратилган.

Туризмни ривожлантириш — қўшимча сармоя имконияти



Мамлакатимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятига эга, уни ривожлантиришнинг имкониятлари кенг. Туризм иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми сифатида иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ечимида муҳим ўрин тутади: қўшимча иш ўринлари яратилишига, аҳоли бандлигини таъминлашга, миллат фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади, иқтисодий фаолиятнинг ўзаро боғлиқ бўлган қатор тармоқлари, инфратузилманинг ривожланишига туртки беради.

Мамлакатимизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, замонавий иншоотлари, хушманзара табиати, бетакрор маданияти ва анъаналари жаҳон сайёҳларини ўзига ром этаётгани бежиз эмас. Зеро, юртимизда етти мингдан зиёд нодир тарихий ёдгорликлар, улуғвор ҳамда бетакрор архитектура намуналари, энг қадимги маданий мерос объектлари, очиқ осмон остидаги музейлар мавжуд бўлиб, сони жиҳатидан ҳам, жозибадорлиги ва тарихий аҳамиятга эгалиги бўйича ҳам етакчи ўринларни эгаллайди. Мамлакатимизнинг бетакрор, сўлим табиати, муқаддас зиёратгоҳлари, тарихи узоқ минг йилликка бориб тақалувчи миллий ҳунармандчилик дурдоналари, жаҳонга машҳур миллий таомларимиз Ўзбекистонда туризмнинг барча турини ташкил этиш ва ривожлантириш имкониятини беради.

Туризм иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Бирок, туризм бўйича мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмаётганимиз сир эмас. Мазкур фармонда туризм соҳасини ривожлантириш орқали туризм индустриясининг иқтисодиётдаги улушини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, пировардида аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга эришиш назарда тутилган. "Ўзбектуризм" миллий компанияси негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилиб, сайёҳлик соҳасидаги ваколатли орган сифатида унинг зиммасига назорат ва расмиятчилик вазифаларини амалга ошириш эмас, балки туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини кучайтиришга кўмаклашиш, туризмни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган барча тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш вазифалари юклатилди.

Туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақоми берилиши ушбу соҳани барча ҳудудлар ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига, иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш, яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини кўпайтириш имконини яратади.

Халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган энг муҳим омил, аввало, тинчлик, хавфсизлик ва иқтисодий барқарорликдир. Фармонда туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш, туризм хизматларини ташкил этишда туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлиги билан бирга, замонавий шароит яратиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, туризмнинг янги салоҳиятли турлари — зиёрат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, соҳада халқаро ва миллий ташкилотлар, йирик хорижий брендлар ва компаниялар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича вазифалар белгиланди.

Яна бир эътиборли жиҳати — фармонда мазкур соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, визаларни расмийлаштириш ва бериш жараёнларини соддалаштириш орқали хориждан ташриф буюрувчи туристларга қулайликлар яратиш белгиланган. Хусусан, виза олиш учун Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик бошқармасига ва Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарига бевосита ташриф буюрмасдан ҳужжатларни топшириш ва сўровномаларни тўлдиришда онлайн тизимдан фойдаланиш, 2018 йилдан бошлаб электрон визалар тизимини жорий этиш, халқаро аэропортларда хорижий сайёҳлар учун "яшил йўлак" божхона назорати тизими, юкларни олиш ва транспорт хизмати кўрсатишнинг соддалаштирилган тартиблари жорий этилиши сайёҳлар оқимининг янада кўпайишига хизмат қилади.

Мазкур фармон Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ҳамда партия фаоллари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Чунончи, партиянинг сайловолди Платформасида туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги ижобий имиджини шакллантиришда туризм самарали восита сифатида баҳоланган. Туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш миллий ғурурни кучайтириш, миллий ўзликни мустаҳкамлаш, ёшларни тарбиялаш, умуман, маънавият ва маърифат соҳаларини ривожлантиришда ҳам муҳим ўрин тутади.

Мухтасар айтганда, фармонда белгиланган чора-тадбирлар ва вазифаларни амалга ошириш мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлиги ҳамда барча минтақаларни уйғун ривожлаништиришни таъминлашга, Ўзбекистоннинг жозибадор туризм маркази сифатидаги ижобий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилади.

Шухрат ТЎХТАБОЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Чинакам халқ шоири

Мустақиллик йилларида миллий адабиётимизни янада равнақ топтириш, ижод аҳлини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, улар учун қулай ижодий муҳит ва шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг 7 декабрида қабул қилинган "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Президент қарори мамлакатимизда адабиётга, шериятга, адабиёт аҳлига қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Эркин Воҳидовнинг шеърларини ўқиб, улғайган авлодмиз. Доимо ҳақиқатни мадҳ этувчи, баъзида инсонга кулги улашадиган, баъзида ўйга толдирадиган, қалбларни камтарлик ва инсонийликнинг энг буюк хислатлари сари ундайдиган шеърлари ёшлигимизданоқ қалбимизни забт этган. Унинг шеърияти топталган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни таниш, халқ руҳини уйғотишдек машаққатли, айни пайтда шарафли йўлни ўзида акс эттиради. Шоир бу ёруғ дунёнинг сиру асрорини англаш, теварак-атрофда юз бераётган, шитоб билан ўзгариб, янгиланаётган тарихий жараёнларнинг, ҳаёт жумбоқларининг туб моҳиятига етишга интилди. Айниқса, унинг сўнгги шеърларида донишманд шоирнинг айни бу ёшга хос ҳолат-кайфиятлари, ўй-мушоҳадалари, бой ҳаёт тажрибалари ёркин намоён бўлди.

...1994 йили Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги "Пахтакор" газетаси қошида Эркин Воҳидов номидаги ижодкорлар клубини ташкил қилган эдик. Ўшанда севимли шоиримизга сим қоқиб, уни ёш ижодкорлар билан учрашувга таклиф этдик. Устоз бу хабарни хурсандчилик билан қарши олди ва учрашувга келишга ваъда берди.

Ўша йилнинг ёз ойлари эди. Эркин Воҳидов туманимизга келаётганини эшитиб, барча ижодкорнинг боши осмонга етди. Бу биз учун чинакам байрам эди: ахир замонамизнинг энг улуғ шоирларидан бири билан кўришишни фақат орзу қилиш мумкин эди, холос. Ўша учрашувда уни нафақат буюк шоир, балки оддий, камтар инсон сифатида ҳам кашф этдик. Эркин ака биз билан узоқ, дилдан суҳбатлашди, саволларимизга эринмай жавоб берди. Шеърлар ўқилди...

Эркин Воҳидов шеърияти ҳақида шуни айтиш керакки, унинг шеърлари, биринчи навбатда, шоирнинг ўзи учун энг ардоқли, дил қаъридан сизиб, отилиб чиққан кечинматуйғулар ҳосиласи. Ана шу кечинмалар айни дамда ҳаммамиз учун қадрли ва ардоқлидир. Шоирнинг ёзганлари қоғозда қолиб кетадиган сатрлар эмас, улар тиллардан дилларга кўчиб, у ердан муқим жой олган етук шеъриятдир. Унинг шеърлари сиртдан содда, етти ёшдан етмиш ёшгача барча учун бирдек тушунарли туюлса-да, улардаги тагмаънони уқиш кишини теран таҳлилга, ўй-мушоҳадага чорлайди. "Ўзбегим", "Инсон" қасидалари, "Руҳлар исёни" достонининг мазмун-моҳиятини англаганимиз сари шоирнинг нақадар буюклиги, бой ҳаётий ва адабий тажрибага эга эканлиги, донишмандлигига гувоҳ бўламиз.

Шу маънода Эркин Воҳидовнинг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги Президент қарорини нафақат ижод аҳли, балки бутун халқимиз хурсандчилик билан қарши олди. Чунки ўзидан ўлмас адабий мерос қолдирган, жаҳон адабиёти нодир дурдоналарининг она тилимизда жаранглашида беқиёс ҳисса қўшган буюк шоирнинг номи мангуликка дахлдордир. Мазкур қарор доирасида амалга оширилиши кўзда тутилган мақсад-вазифалар Эркин Воҳидов ижодини янада кенг ва изчил ўрганиш, уни навқирон авлод ўртасида тарғиб этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Наби ЖАЛОЛИДДИН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

2017 йилги ижтимоий харажатлар давлат бюджети барча харажатларининг 59,7 фоизини ташкил этади.

2017 йилда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоиз миқдорида бўлиши тахмин қилинмоқда. Шу тариқа у жорий йилга нисбатан 19,5 фоизга ошади, бу эса кейинчалик бюджетнинг даромад базаси ошишини таъминлайди.

Сенаторларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари параметрлари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига, иқтисодиётни янада модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда халқ фаровонлигини босқичма-босқич ошириш бўйича стратегик мақсадларга мос келади. Сенаторлар 2017 йилги бюджетномани қабул қилиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилдилар.

Шундан сўнг сенаторлар **"Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсади 2017 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ижро этиш самарадорлигини таъминлашдан, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг устуворликларини инобатга олган ҳолда қонун ҳужжатлари нормаларини ҳукуматнинг Бюджетномасига мувофиқлаштиришдан иборат.

Қонун билан Солиқ кодексига ва бошқа қонунларга айрим тузатишлар киритилмоқда. Ушбу тузатишлар 2017 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг тасдиқланган концепцияларини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини уларга мувофиқлаштиришга ва уларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга қаратилган. Сенаторлар таъкидлаганларидек, мазкур чора-тадбирлар тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришга ҳам қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар **2017 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини** кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Таъкидланганидек, Дастурда саноатда (131,1 минг), хизматлар соҳасида (69,5 минг), қишлоқ хўжалигида (55,8 минг), қурилишда ва инфратузилма лойиҳаларида (88,9 минг), шунингдек, бўш турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига (44 минг) янги иш ўринлари ташкил этиш орқали 389,3 минг кишини доимий иш ўринлари билан таъминлаш назарда тутилмоқда. Якка тартибдаги тадбиркорлик соҳасида 97,7 минг иш ўрни яратилади. Қишлоқ хўжалигида ва қурилишда йилига ўртача 199,1 минг киши мавсумий ҳамда вақтинчалик иш ўринлари билан таъминланади.

Бундан ташқари, аҳолининг ўзини иш билан таъминлашини рағбатлантириш ҳисобига 308,6 минг фуқарода, шу жумладан, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида 272,7 минг кишида, ҳунармандчиликда ва оилавий тадбиркорликда 35,9 минг кишида даромад манбалари пайдо бўлади.

Дастурда демографик омилларни ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришнинг самарали шаклларини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурлар билан боғлиқ бўлган меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари назарда тутилган. Дастурни ишлаб чиқишда меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф баҳоланди. Бунда барча туманлар ва шаҳарлар учун 2017 йилда иш билан таъминлашга бўлган эҳтиёж, унинг тузилиши белгилаб олинди, харажатлар аниқланди, тасдиқланган дастурлар доирасида, шу жумладан, кичик саноат зоналарини яратиш жараёнида иш ўринларини ташкил этиш ҳисобига бандлик йўналишлари алоҳида белгилаб олинди.

Дастурда 2017 йилда камида 508,8 минг нафарни ташкил этадиган ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мажлис чоғида таъкидланганидек, коллеж ва лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳар кесимида махсус тадбирлар ишлаб чиқилади. Уларни амалга оширишда манфаатдор вазирликлар ва идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳокимликлар, корхоналар ҳамда ташкилотлар иштирок этади.

Сенаторлар қайд этганларидек, Аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси ҳамда туман ва шаҳарлар кесимида меҳнат бозоридаги вазият ва аҳоли бандлиги мониторинги натижалари 2017 йилда Олий Мажлис палаталарининг, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида, вазирликлар ва идораларнинг махсус кенгашларида мунтазам кўриб борилади ҳамда уларнинг натижалари бўйича барча даражадаги ҳокимликларга ва хўжалик бошқаруви органларига Дастур рўёбга чиқарилишини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш учун таклифлар ҳамда топшириқлар юборилади. Дастур ижро этилиши устидан тизимли парламент назорати ўрнатилади.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилган **"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни ҳар томонлама тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг намоён бўлишига йўл қўймаслик, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг барча шакларига нисбатан муросасиз муносабатни қарор топтиришга қаратилган.

Ҳуқуқий ҳужжатда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишлари мустаҳкамланган, ваколатли органлар тизими келтирилмоқда, ушбу соҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг иштирок этиши механизмлари белгилаб берилмоқда ҳамда очиб берилмоқда, шунингдек, халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти акс эттирилмоқда.

Коррупцияга қарши курашувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида қонунда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика ва ҳудудий идороларо комиссияларни ташкил этиш ҳамда унинг таркибига жамоат бирлашмаларининг вакилларини, тадбиркорларни ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакилларини киритиш назарда тутилмоқда.

Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат хусусий мулкни ғайриқонуний тажовузлардан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувлардан ҳимоялашга қаратилган. Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши ишчанлик фаолиятини ва мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга, шунингдек, фуқаролар ҳуқуқларини ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Сенаторлар **"Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад қонун ҳужжатларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар томонидан маъмурий қамоқни ўташ принциплари ва тартибини мустаҳкамлаб қўйишдан иборат. Қонунда маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, шунингдек, уларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилмоқда.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш, жойлаштириш ва сақлаш, уларни моддий-маиший ва тиббий таъминлаш тартиби белгиланмоқда. Махсус қабулхона маъмурияти ва ходимларининг асосий ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун сарфланадиган харажатларни ундириш ва уларни меҳнатга жалб қилиш тартиби белгилаб қўйилмоқда. Шу билан бирга, қонунда маъмурий қамоққа олинган шахсларни рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, махсус қабулхона ходимларининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилганда, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилганда уларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш шартлари назарда тутилмоқда.

Сенаторлар қайд этганларидек, қонуннинг қабул қилиниши қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга, маъмурий қамоқни ўташда қонун ҳужжатлари талабларини ижро этишнинг ягона амалиётини таъминлашга, ушбу соҳада ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ва мазкур органлар ходимларининг жавобгарлигини оширишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрда қабул қилинган фармонига мувофиқ ишлаб чиқилган **"Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, ушбу қонун хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлашнинг ишончли ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги ролини ошириш, ишчанлик муҳитини янада яхшилаш бўйича чора-тадбирларнинг мантиқий давомидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш ва уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини кескин камайтириш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик ривожланишига тўсқинлик қилувчи барча ғовлар ҳамда чекловларни бартараф этиш қонуннинг асосий мақсадидир.

Жумладан, тадбиркорлик субъектлари жавобгарлигининг янада эркинлаштирилишини таъминлаш мақсадида Жиноят кодексига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга доир ҳуқуқдан маҳрум этиш тарзидаги жазо тайинланмаслигини назарда тутувчи норма киритилмоқда, бундан одам ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган ҳоллар мустасно.

Маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этиш, молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда биринчи марта жиноят содир этган тадбиркорлик субъектларига ва уларнинг ходимларига, агар улар ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан бошлаб ўттиз кунлик муддатда йўл қўйилган ҳуқуқбузарликни ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлсалар, жарималар ҳамда молиявий санкциялар (пенядан ташқари) қўлланмаслиги назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, қонунда ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахсларни, агар улар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан бошлаб ўттиз кун ичида ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаган ва рухсат берувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган бўлсалар, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этиш механизми жорий этилмоқда.

Шунингдек, қонунда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари бўйича ҳам режадан ташқари текширишнинг, шунингдек, қарши текширишнинг барча турларини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Жиноят-процессуал кодексига киритилган тузатишлар терговдан олдинги текширувлар вақтида ва қўзғатилган жиноий ишлар бўйича тафтишлар тайинланишини ҳамда ўтказилишини процессуал жиҳатдан аниқ тартибга солишни назарда тутади, шу жумладан, тафтиш тайинлаш учун асосларни, тафтишларни, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари тафтишларини ўтказиш муддатлари ва шартларини, текширилаётган субъектларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, тафтиш ўтказувчи шахсларни белгилаб беради.

Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим омил бўлади, мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида мавжуд бўлган маъмурий ва сунъий тўсиқларни қатъийлик билан бартараф этишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан қабул қилинди.

Сенаторлар **"Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар 1992 йил 8 январь куни "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилинганлигини қайд этдилар. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ҳамда давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида катта ишлар амалга оширилган.

8 январни — Прокуратура органлари ходимлари куни деб белгилаш уларнинг мақомини, прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга, уларни ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришга рағбатлантиришга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар ва туризм соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги** масалани кўриб чиқдилар.

Жаҳон миқёсида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва илгари суриш борасидаги ташқи сиёсий фаолиятни амалга ошириш масалаларида парламент ролини янада кучайтириш, халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакат минтақаларига хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилиш, туризмни ривожлантириш, жаҳон майдонида мамлакатимиз нуфузини ошириш, шунингдек, ушбу соҳада парламент назоратини кучайтириш мақсадида сенаторлар томонидан Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари лавозимини жорий этиш, унинг зиммасига ушбу соҳадаги фаолиятнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этиш, дастурлар ва иш режалари ижро этилишини назорат қилиш вазифаларини юклаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси этиб қайта ташкил этилди.

Хусусан, халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар ва туризм соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг, дастурлар ва режаларнинг марказда ва жойларда рўёбга чиқарилиши устидан мунтазам парламент назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонун ҳужжатларига татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини илгари суриш каби вазифалар мазкур қўмитанинг зиммасига юклатилди.

Ушбу масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенат аъзолари С.Сафоевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Тегишли қарор қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонунга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги ва "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ **аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, саноат хавфсизлиги ва радиациявий хавфсизлик соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси тўғрисида** "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси бошлиғи Б.Гулямовга юборилган парламент сўровига берилган жавобни кўриб чиқдилар ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Х.Мирзахидовга **"Электрон ҳукумат" тизимини жорий этишга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши тўғрисида** парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Қувайт Давлатидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси лавозимига тайинлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчисини лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенат ялпи мажлиси давомида демократик янгиланишларни, бозор ислоҳотларини босқичма-босқич чуқурлаштиришга, давлат бошқаруви соҳасида парламент ҳамда жамоат назоратини кучайтиришга қаратилган 15 та масала, шу жумладан, 5 та қонун кўриб чиқилди. Сенатнинг саккизинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қарорлар фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли кафолатларини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, мамлакатда барқарорлик ҳамда фаровонликни мустаҳкамлаш учун муҳим омил бўлиши таъкидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

MILLIY TIKLANISH
58 (430) 2016 йил 14 декабрь, чоршанба

Ўқув-семинар

Тадбиркор аёлларга таклиф ва тавсиялар берилди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши "Аёллар қаноти", "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳамда Республика "Ҳунарманд" уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигида "Мамлакатнинг иқтисодий ривожида тадбиркор аёлларнинг роли" мавзусида ўқув-семинар ва кўргазма ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Жиззах вилоят кенгаши ходимлари, оилавий тадбиркорлар, ҳунармандлар, коллеж битирувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси Шафоат Мусаева кириш сўзи билан очиб, партия сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифаларга эътибор қаратди.

— Партия иқтисодий соҳада кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатга қўмакдош бўлиш, аҳолининг электорат қисми бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш каби мақсад-вазифаларни илгари сурмоқда, — деди у. — Шу боис партиямиз бу борада давра суҳбати, ўқув-семинарлар ташкил этиб, хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда яқин кўмакдош бўлмоқда.

Ўқув-семинарда юртимизда ишбилармон аёлларнинг илғор ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилгани таъкидланди. Натижада, улар нафақат оила бюджетига, шу билан бирга, иқтисодиётимиз ривожига ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

"Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси Жиззах вилоят бўлими раиси Нозима Тугалова тадбиркор хотин-қизлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари хусусида маълумот берди:

— Юртимизда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, фаоллигини ошириш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент фармони бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Зеро, мазкур ҳужжатда белгиланган хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, банк хизматларидан кенг фойдаланиш, хусусан, уларнинг кредит олиш ва ўз бизнесини йўлга қўйишлари учун етарли шароит яратиш каби вазифалар ижроси тизимли ва изчил таъминланмоқда. Банк ва тадбиркор аёллар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларга тезкор молиявий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмоқда. Қувонарлиси, бугун аёллар ташаббускорлиги туфайли чекка ҳудудларда ҳам замонавий хизмат кўрсатиш инфратузилмаси яратилиб, гўзаллик салонлари, савдо дўконлари, нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари, тикувчилик корхоналари фаолияти йўлга қўйилган. Бу борадаги ишлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораётгани эътиборга молик.

Ўқув-семинарда таъкидланганидек, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида қатор ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, партиянинг "Банк кредитлари — ҳунармандларга" лойиҳаси кўмагида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркор ва ҳунармандларга имтиёзли кредитлар ажратилмоқда. Бунинг натижасида кўплаб янги корхона ва иш ўринлари яратилмоқда, айрим корхоналар ўз фаолиятини янада кенгайтириш имконига эга бўлмоқда. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар эканлиги янада қувонарлидир.

Семинарда тадбиркор аёллар эришаётган ютуқлар эътироф этилиб, улар тадбиркорлигини янада ривожлантириш, иш бошлаш арафасида турган опа-сингилларимизга бизнесни ташкил этиш, ҳужжат юритиш, солиқ имтиёзлари, кредит олиш ва бошқа масалалар юзасидан мутахассислар томонидан таклиф-тавсиялар берилди. Ана шундай давра суҳбати, семинарларни янада кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги эътироф этилди.

Тадбир доирасида оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш қилинди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбир

Ватанпарварликни чинакам эътиқодга айлантирайлик

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида миллий тикланиш, фуқароларда миллий ўзликни англаш туйғусининг уйғониши ва сингдирилиши асосий мақсад-вазифалардан бири сифатида белгиланган. Партия мустақиллик ғояларига содиқ, жаҳон моддий ва номоддий меросининг ажралмас бўлаги ҳисобланмиш Ўзбекистон халқининг маданий, анъанавий, миллий ва маънавий қадриятларини чуқур эъзозлайдиган ватанпарвар инсонларни ўз сафида бирлаштиради, улар манфаатини ифодалайди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан "Ватанпарварликни чинакам эътиқодга айлантирайлик" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Партия фаоллари, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вакиллари, профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар, спортчилар иштирок этган тадбирда Ватанни севиш, ҳар қарич ерини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, юрт истиқболи йўлида фидокорона меҳнат қилиш ҳар биримиз учун шарафли бурч экани таъкидланди.

— Истиқлол йилларида ёш авлодни Ватанга меҳр-муҳаббатли, юртга содиқ, билимдон, комил инсонлар этиб вояга етказиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — деди партия Мирзо Улуғбек туман кенгаши раиси Дилсора Ёқубова. — Мустақилликнинг ўтган қисқа даврида буюк алломаларга бешик бўлган, инсоният тамаддунига муносиб ҳисса қўшган юртимиз асрларга татигулик ютуқларни қўлга киритди. Ватанни севиш, ҳар қарич ерини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ҳар бир ўғил-қизнинг муқаддас бурчи. Ватан истиқболига дахлдорлик, шу йўлда фидокорона меҳнат қилиш барчамиз учун шарафли бурч ва олий мақсад. Туғилиб ўсган ери ҳар қаричининг қадрини дилдан ҳис қилиш, юрт тараққиёти учун ҳисса қўшиш, ўқиш, иш ва яшаш жойида ўз вазифасини масъулият билан адо этиш чинакам ватанпарварлик намунасидир.

Бугун мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон, айниқса, ёш авлод истиқлол неъматларининг қадрига етиши, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, ўзлигимизни чуқур англаш, истиқлол ғоясига садоқат каби дастурий вазифаларни изчил амалга ошириш, бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга кўмаклашиб келмоқда. Партиянинг барча даражадаги ташкилотлари, депутатлик корпуси ва фаоллари олдида бу жараёнда фаол иштирок этиш, юртимиздаги барқарорлик, тинчлик-осойишталикнинг аҳамиятини ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда ўрнак бўлиш каби муҳим вазифалар турибди.

— Мамлакатимизда яратилаётган замонавий шароит ва кенг имкониятлар самарасида ёшларимиз ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда юксак марраларни забт этмоқда, Ватанимиз шарафини улуғламоқда, — дейди дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, XV паралимпия ўйинлари бронза медали соҳиби Дониёр Солиев. — Кейинги йилларда турли нуфузли мусобақаларда иштирок этаётган мамлакатимиз спортчи ёшларининг аксарияти Осиё ва жаҳон чемпионлари, мамлакатимиз биринчилиги ғолибларидир. Айниқса, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XV Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг ғалабага бўлган қатъий ишончи, туғилиб ўсган Ватанини баралла мадҳ этишга бўлган интилиши улар кўрсатган натижаларда бутун бўй басти билан намоён бўлди. Илгари бундай ютуқ ва марралар ҳақида тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас эди. Мустақиллик халқимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариб, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай яшаш, ҳар кимга ўз истеъдод ва салоҳиятини намойиш этиш имкониятини берди. Навқирон авлод бунинг қадрига етиши, истиқлолимиз, бугунги тинч ва осуда, озод ва фаровон ҳаётимизни асраб-авайлаши, юрт равнақи йўлида фидойи ва буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиши лозим.

Тадбирда мазкур йўналишда қилиниши зарур бўлган ишлар, аҳоли ва ёшлар билан ишлашда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

ЎзМТДП ғояларини кенг тарғиб этиш

қўйи бўғинлар зиммасидаги устувор вазифа

Партия ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб этиш, ижтимоий қатлам ҳамда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, партия ташкилотлари ва гуруҳларининг ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутади.

Бугун мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли, уларнинг вазифа-ваколатлари тобора кенгайиб бораётир. Ана шу жараёнда жамиятнинг кенг қатламига партия ғоя ва мақсадларини тарғиб қилиш, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг аҳоли орасидаги нуфузини мустаҳкамлаш, аъзолар ва хайрихоҳлар сафининг кенгайишида бошланғич партия ташкилотлари муносиб ҳисса қўшмоқда.

Жумладан, ЎзМТДП Нарпай туман кенгашининг Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини қошида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилоти ҳам фаол ва ташаббускор бўғин саналади. Аҳоли билан ҳамнафас иш олиб бораётган мазкур қўйи бўғин ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, унинг ташкилий ва иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, миллий-маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни тиклаш ҳамда ривожлантиришда фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш каби мақсад-вазифалари рўёбига бевосита кўмаклашмоқда. Бу эса, ўз навбатида, партия аъзолари сафи кенгайиши, аҳолининг партияга бўлган ишончи ортишида муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

2015 йилда ташкил этилган мазкур бошланғич партия ташкилоти бир қатор умумтаълим, болалар мусиқа ва санъат, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари ходимларини ўзида бирлаштирган, жами 180 аъзога эга.

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар ижросига қаратилган, жумладан, ёшларни миллий қадрият ва анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни турли мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш, юксак маънавиятли ва масъулиятли инсонлар сифатида камол топишида ўтказаётган тадбирларимиз муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди бошланғич партия ташкилоти етакчиси Зилола Йўлдошева. — Ҳар бир тадбир ва тарғибот ишида аҳолининг кенг қатламини қамраб олишга ҳаракат қиляпмиз. Маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ёшларни турли ёт ғоя ва оқимлар таъсиридан асраш, тўймаросимларни ихчам ва ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар самарадорлигини янада оширишга бағишланган учрашув ва давра суҳбатлари шулар жумласидандир.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун музейлар, тарихий қадамжолар, маданият ва истироҳат боғларига экскурсия уюштирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ЎзМТДП сайловолди Платформасида илгари сурилган навқирон авлоднинг маданий-тарихий масканларга оммавий ташрифларини уюштириш орқали улар қалбида юксак ватанпарварлик туйғуларини тарбиялаш борасидаги мақсад-вазифалар ижросига ҳам хизмат қилади.

— Қуйи бўғинимиз аҳолининг ҳуқуқий билими ва маънавиятини юксалтириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келмоқда, — деди БПТ фаоли Абдуҳалил Мингбоев. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, янги қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда қуйи бўғинимиз фаол иштирок этишга интилмоқда. Бу борада, айниқса, бошланғич партия ташкилоти ва маҳалла ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда айтиш жоиз, бошланғич партия ташкилотларининг аралашуви ва кўмаги билан айрим маҳаллий масалаларга ечим топилаётгани аҳолининг қуйи бўғинга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда. Зеро, қуйи бўғин аҳолига энг яқин ташкилот саналади. Мазкур бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан аҳоли мурожаатлари асосида халқ депутатлари туман Кенгашдаги партия гуруҳига уч таклиф берилгани ва уларнинг барчаси ижобий ҳал қилингани ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

У. АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хроника

Конституция — тинч ва фаровон ҳаётимиз кафолати

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эркинлигимиз, мустақил ҳаётимиз ва озодлигимиз кафолатидир. Ўзбекистонда яшаётган барча фуқаролар миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли экани Бош қомусимизда белгилаб қўйилган. Ҳар ким таълим олиш, ишлаш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Конституциямизнинг 24 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари томонидан корхона, маҳалла ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирларда аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшлар фаол иштирок этди.

Хоразм

ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Республика шошилинч тез тиббий ёрдам маркази вилоят филиали билан ҳамкорликда "Конституция — ҳуқуқий давлат ва адолатли жамият пойдевори" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказди. Унда партия шаҳар кенгаши аъзолари, халқ депутатлари Урганч шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" фаоллари, тиббиёт ходимлари ҳамда ёшлар қатнашди.

— Конституция мустақил давлатнинг ҳуқуқий асоси, мустаҳкам пойдевори саналади, — деди ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши раиси Хушнуд Йўлдошев. — Асосий қонунимиз улкан тарихий аҳамиятга эга ноёб ҳужжат бўлиб, унда суверен давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим асослари, инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат, фуқаролар тинчлиги ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлашга оид тамойиллар мустаҳкам ўрин олган. Энг муҳими, унинг қоидалари мамлакатимизда босқичма-босқич ва изчил амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар сари кенг йўл очди. Конституциямизнинг бундай ҳаётбахшлигида унинг нормаларида халқимизнинг кўп асрлик анъана ва қадриятлари, бой тарихий-ҳуқуқий меросига таянилгани мужассамдир.

Тадбирда демократик тамойиллар ва умуминсоний қадриятларнинг ҳаётимизга янада кенг кириб бориши учун таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ижтимоий ҳамкорлигини кучайтириш, ёшлар орасида конституциявий ғояларни кенг тарғиб қилиш юзасидан фикр алмашилди.

Сурхондарё

ЎзМТДП Олтинсой туман кенгаши ташкил қилган "Конституция — бахтимиз қомуси" мавзусидаги давра суҳбатида партия туман кенгаши аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, "Аёллар қаноти" ва "Ёшлар қаноти" ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари, 18-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчи-мураббийлари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилгани ҳуқуқий демократик давлат, одил фуқаролик жамияти барпо этишнинг бош омили бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Инсонни эъзозлаш, манфаатларини ҳимоя қилиш демократик, адолатли давлатга хос хусусиятдир. Асосий қонунимизнинг 13-моддасида қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ҳамда қонунлар билан ҳимоя қилинади.

— Конституциямизда одамлар учун муносиб ҳаёт шароити яратиш асосий мақсад этиб белгиланган, — деди ЎзМТДП Олтинсой туман кенгаши раиси Тўрамурод Раҳмонов. — Бугунги тадбирда Бош қомусимиз юртдошларимиз ҳаётида нечоғли ўзгаришлар ясагани аниқ мисоллар ёрдамида кўрсатиб берилди. Шунингдек, Конституциянинг мазмун-моҳияти, ёшларга оид ҳуқуқ ва эркинликлар, давлат ва жамият олдидаги бурч ва вазифалар хусусида кенг тушунчалар берилди. Бош қомусимиз ва қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар, эркинлик ва мажбуриятларнинг тарғиботи самарадорлигини янада ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент вилояти

ЎзМТДП Чирчиқ шаҳар кенгаши бир қатор таълим муассасалари билан ҳамкорликда "Конституция — бахтимиз пойдевори" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихи, унинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва инсон манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти, Бош қомусимизнинг халқчиллиги, халқаро ҳуқуқ нормаларига мослиги ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

— Конституция мамлакат мустақиллиги, халқ осойишталиги, юрт фаровонлигининг ҳуқуқий асосидир, — деди ЎзМТДП Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси Комил Давлатов. — У нафақат бугунги куннинг қомуси, балки, эртанги кунимизни аниқлаб берувчи ҳуқуқий ҳужжат. Бу борада ҳудудий ва маҳаллий партия ташкилотлари, партия аъзолари аҳолининг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданиятини янада оширишга ўзларининг ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўтказилаётган турли ўқув-семинарлар, давра суҳбатлари, тадбир ва кўрик-танловлар ёшларга Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари ва бурчларини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда Бош қомусимиз мактабгача таълим муассасаларидан тортиб, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида ўқитилаётгани, унга оид кўплаб дарсликлар, рисола ва махсус қўлланмалар нашр этилгани ва бунинг натижасида мамлакатимизда Конституцияни ўрганишнинг узлуксиз тизими яратилганлиги таъкидланди.

Усмон РУСТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ташаббус натижа берди

Таълимга эътибор — келажакка эътибор

“Таълим тўғрисида”ги қонуннинг Арнасой туманидаги ижроси ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан сессияда муҳокама этилди

Бугун мамлакатимизда фарзандларимизнинг жаҳон андозаларига мос билим олиши, жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишини таъминлаш, иқтидори ва салоҳиятини юзага чиқариш давлат сиёсатининг муҳим йўналиши ва пировард мақсади ҳисобланади.

Юртимизда фуқароларнинг сифатли таълим олиши Бош қомусимизда кафолатланган. “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, таълим сифати юксалди.

Бу жараёнда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ҳар томонлама етук авлодни вояга етказиш ишларига муайян даражада ҳисса қўшиб келмоқда. Партия ташкилотлари ҳамда маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳлар бу йўналишдаги ишларни, муаммо ва камчиликларни ўрганиб, таҳлил этишга интилмоқда. Халқ депутатлари Арнасой туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида ЎзМТДП гуруҳи ташаббуси билан “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг ҳудуддаги ижроси кун тартибига киритилиб, муҳокама этилди.

Сессияда туман ҳокими ўринбосари Н.Исанов ҳудуддаги мавжуд таълим муассасаларида ўқувчилар учун яратилган шароитлар, билим масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

— Ушбу масалани сессияга олиб чиқишдан олдин партиянинг туман кенгаши билан бирга мавжуд ҳолатни пухта ўрганиб чиқдик, — дейди халқ депутатлари Арнасой туман Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Рустам Муродов. — Бугун туманимизда 7 мактабгача, 21 умумий ўрта, 3 ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси бор. Мавжуд билим масканларини замон талаблари даражасига кўтариш борасида муайян чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бироқ ўрганишлар давомида айрим таълим муассасаларида ўқувчиларнинг дарс-машғулотларига мунтазам қатнашиши қатъий назоратга олинмагани, ўқувчиларнинг ҳаракат дафтари, яъни турли сабабларга кўра мактабга келмаётганлар рўйхати шакллантирилмаганига гувоҳ бўлдик. Касб-ҳунар коллежларида ўқув йили бошида режалаштирилган тадбирларнинг аксарияти ўтказилмаган. Мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган барча мураббийлар маълумоти ҳам давр талаби даражасида эмас. 400 дан зиёд бола таҳсил олаётган 7 болалар боғчасидаги жами кадрларининг атиги 5 нафари олий маълумотга эга. Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасалари ҳудуддаги болаларнинг 20-30 фоизини қамраб олган, холос.

Сессияда ҳудуддаги ўқувчи-ёшларнинг спорт билан шуғулланиши масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Тумандаги бир неча мактабларнинг спорт заллари замон талабларига жавоб бермаслиги, айрим мактабларда, ҳатто спорт зали мавжуд эмаслиги бу борада ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан экани таъкидланди. Баъзи мактаб мутасаддилари жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига эътиборсиз ёндашгани туфайли ўқувчилар фақат копток ўйнаш билан чекланаётгани, спорт залларининг моддий-техник ҳолати бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги қайд этилди. Бу йил “Умид ниҳоллари” спорт мусобақасининг туман босқичи умуман ўтказилмаганини эса ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

Билдирилган таклиф-мулоҳазалардан келиб чиқиб, сессия қарори қабул қилинди. Унга кўра туман халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими ва бошқа бир қатор масъул ташкилотлар зиммасига таълим муассасаларида янги педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш ҳамда инновацион технологияларни кенг жорий этишга жиддий эътибор қаратиш вазифаси юклатилди. Таълим масканларида ўқувчиларнинг дарс-машғулотларга узлуксиз иштирокини таъминлаш, мунтазам дарсга қатнашмаётган ўқувчилар билан “оила — таълим муассасаси — маҳалла” концепцияси доирасида ишлар самарадорлигини ошириш, таълим муассасаларида дарсдан ташқари фанлар, маданий ва спорт тўгараклари ишини жонлантириш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, соҳани етук ва малакали мутахассислар билан таъминлаш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, электрон дарслик, мультимедиа воситаларидан самарали фойдаланиш, битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичга ўқувчилар ва ота-оналарнинг хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда йўналтириш, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ қамраб олиш лозимлиги белгиланди. Ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ҳамда уларни спортга жалб этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Гулчехра ТУРЛИБЕКОВА, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг ҳудуддаги ижросини ўрганиш жараёнида таълим муассасаларида ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиши масаласига алоҳида эътибор қаратдик. Айниқса, ўқувчиларнинг жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан шуғулланиши учун яратилган шароитларни обдон ўргандик. Бундай саъй-ҳаракатларимиз Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган болалар ва ёшларнинг кенг қўламда спорт билан мунтазам шуғулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, миллий спорт турларини қайта тиклаш, ёшларни уч босқичли тизимдаги оммавий спорт мусобақаларига жалб этишни янада ривожлантиришга қўмаклашиш каби дастурий мақсад-вазифаларга ҳамоҳанг. Ўйлаймизки, сессия қарори асосида мазкур масалалар ўзининг ижобий ечимини топади ва туманимизда спорт билан мунтазам шуғулланадиган ёшлар сафи янада кенгаяди. Зеро, спорт билан шуғулланиш инсоннинг жисмоний, интеллектуал ва маънавий камолотида, соғлиғини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Аҳмад ЮСУПОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Сана

Конституция — демократик ҳуқуқий давлат асоси

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсонпарвар, халқчил қомус, ўзида миллий қадриятларимиз ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган жиҳатларини акс эттирган, — деди тадбирда Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раис ўринбосари Толибжон Мадумаров. — Унда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлар фуқароларда фаровон ҳаёт ва эртанги кунга ишончни янада мустаҳкамламоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик Асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ва кафолатларнинг амалдаги ифодасидир. Конституциямизда мамлакатимизнинг халқаро муносабатлардаги иштироки ва ташқи сиёсатининг асосий қоидалари ифодаланган бўлиб, у Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти эканини кафолатлайди.

Тадбирда таъкидланганидек, Конституция — истиқлол ва Ўзбекистон рамзи, ғурур-ифтихори, миллати, дини, тилидан қатъи назар, шу заминда истиқомат қилаётган барча фуқаро учун мустаҳкам ҳимоя, нафақат бугунги кун, балки эртанги кунимиз, жамиятимиз истиқболини таъминлаб берувчи дастуриламал ҳужжат. Конституция биз орзу қилган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришда дорилфунун вазифасини ўтамоқда.

Давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мухтабар Ҳусанова “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон манфаатларини ҳимоя қилиш ва халқ иродасини ифода этишнинг ҳуқуқий асоси”, Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Элдор Қурбонов “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати” мавзусида маъруза қилди. Улар Конституциямиз кўп асрлик ҳуқуқий анъана ва жаҳон тажрибасининг энг илғор жиҳатларини, энг мақбул принципларини ўзида мужассамлаштирганлиги ва амалда тўла намоён этаётганлигини таъкидладилар.

— Тадбирда фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида кенг тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини узлуксиз давом эттириш лозимлигига аҳамият қаратилди, — деди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ўқитувчиси, ЎзМТДП аъзоси Акмал Абдуллаев. — Айниқса, мамлакатимиз Биринчи Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида”ги фармойишига асосан бугунги кунда Қомусимиз мактабгача таълим муассасаларидан тортиб, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида ўқитилаётгани, унга оид кўплаб дарсликлар, рисола ва махсус қўлланмалар нашр этилаётгани ва бунинг натижасида мамлакатимизда Конституцияни ўрганишнинг узлуксиз тизими яратилганлиги таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг яратилиш тарихи, унинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва инсон манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти, халқчиллиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослиги, ўзига хос жиҳатлари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди.

Тадбир якунида “Конституция — бахтимиз қомуси” мавзусидаги иншолар танлови ғолиблари ЎзМТДП Марказий кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Дониёр ТОШБОЕВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи:

— Конституцияда белгиланган меъёр ва қоидаларнинг устуворлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини тўлақонли рўёбга чиқаришни таъминлашга кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаси саналади. Бош қомусимизнинг мазмун-моҳиятини тарғиб-ташвиқ қилиш ишлари партиямиз тузилмаларининг доимий диққат эътиборида. Жумладан, ёшлар ўртасида ҳуқуқий таълим-тарбияни такомиллаштириш, Асосий қонунимиз моҳиятини кенг тушунтириш, фуқаролик жамиятини барпо этишда уларнинг иштирокини таъминлаш мақсадида турли тарғибот тадбирлари ташкил этиб келинмоқда. Бу эса навқирон авлоднинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Шердор ЯРАШОВ,
танлов ғолиби:

— Конституциямизда жамиятнинг асосий бўғини, деб кўрсатилган оилани мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор самараси истиқлол йилларида туғилиб вояга етган ёшлар ҳаётида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бунга ҳамоҳанг равишда ЎзМТДП сайловолди Платформасида мамлакатда оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни асраш, ривожлантириш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларга қўмаклашиш устувор вазифа этиб белгиланган. Бугунги давра суҳбатида мутахассислар Конституциямиз мазмун-моҳияти, унинг ҳаётимиздаги аҳамиятини ЎзМТДП ғоялари, мақсад-вазифалари билан боғлаб тушунтириб берди. Дарҳақиқат, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларга асосланиб яратилган, инсон шаъни, қадр-қиммати устувор бўлган Асосий қонунимиз бизни мудом ёруғ келажак сари чорлайди, йўлимизни йўлчи юлдуздек нурафшон этиб туради.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Депутат минбари

Енгил саноат корхоналари

мамлакат иқтисодиётининг муҳим таянчи

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқариш тармоқларини техник жиҳатдан такомиллаштириш, турли мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларига асосланган корхона ва бирлашмаларни қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, енгил саноат соҳасига татбиқ этилаётган лойиҳалар тўқимачилик корхоналарини кўпайтириш, уларни замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, пировардида сифатли кийим-кечаклар ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш имконини бераётир. Зеро, мазкур соҳа ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизда, аҳоли бандлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш, кундалик эҳтиёжларни қоплашда салмоқли ўринга эга.

Ўзбекистон енгил саноати кўп асрлик анъана ва тадрижий тараққиёт йўлига эга. Буюк ипак йўлининг юртимиз ҳудуди орқали ўтгани ўзбек ҳунармандларининг маҳсулотлари, айниқса, шойи, кимхоб ва атлас газламаларни дунёнинг кўплаб давлатларида донг таратишига замин яратган. Мустақиллик шарофати билан бу борадаги ишлар бутунлай янги босқичга кўтарилди.

Бу даврда соҳанинг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилди, амалга оширилган изчил ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда: дунё яна Ўзбекистоннинг энг сара енгил саноат ва тўқимачилик маҳсулотларидан баҳраманд бўла бошлади.

Таъкидлаш жоиз, собиқ тузум даврида Ўзбекистон, асосан, аграр мамлакат бўлиб, иқтисодиёти қарам, хом ашё етказиб берувчи ўлка ҳисобланган. Аҳоли учун истеъмол товарлари бошқа республикалардан олиб келинган. Бугунги кунга келиб эса Ўзбекистон иқтисодиётида саноатнинг улуши тобора кенгайиб бормоқда. Таққослаш учун: 1991 йилда пахта толасини қайта ишлаш ҳажми 7 фоиздан ошмаган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич 44 фоизга етди. Натижада 1990-2014 йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 4 мартадан зиёд кўпайди. Охирги 10 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача йиллик ўсиш суръатлари ялпи ички маҳсулот ўсиш суръатларидан ҳам юқори бўлиб, 9 фоизни ташкил қилди.

Бу муваффақиятларнинг асосий омили — маҳаллий ва чет эл инвестицияларининг мунтазам жалб этилгани, улар асосида замонавий ускуналар билан жиҳозланган, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги корхоналарнинг ташкил этилганидир. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида енгил саноат соҳасида 165 лойиҳа амалга оширилиб, 255 миллион АҚШ долларидан зиёд инвестиция ўзлаштирилди. Жорий йилда умумий қиймати 623,7 миллион долларга тенг 170 лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Айни пайтда “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси таркибидаги тўқимачилик ва тикувчилик корхоналарининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этмоқда. Компания таркибида энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган 310 дан зиёд тўқимачилик, тикувчилик, ипакчилик ва трикотаж корхоналари мавжуд, шулардан 156 таси хорижий инвестициялар иштирокида тузилган. Бу юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити енгил саноатнинг жадал ривожига асос бўлаётганидан далолат.

Танлаган тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканини бугунги фаровон ҳаётимиз яққол кўрсатиб турибди. Биринчи Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида замонавий технологиялар асосида пахта толасини чуқур қайта ишлаш ташқи ва ички бозорда талаб юқори бўлган тайёр, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2030 йилда 5,6 марта ошириш имконини беришини алоҳида қайд этган эди. Бу 2030 йилгача енгил саноат соҳасида 147 лойиҳа амалга оширилади, деганидир. Бунинг натижасида тармоқнинг экспорт салоҳияти янада ошади. Ҳудудларда халқ истеъмоли молларининг ҳамма турини ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши эса аҳолига қулайлик яратиш билан бирга, уларнинг маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини ҳам таъминлайди.

“Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компанияси Иқтисодиёт, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирликлари ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиққан тўқимачилик ва енгил саноатнинг 2014-2020 йилларга мўлжалланган ривожланиш концепциясида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2020 йилгача 6,97 триллион сўмга ошириш кўзда тутилган.

Мухтасар айтганда, буларнинг барчаси ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилади. Аҳолининг арзон ва сифатли маҳсулотларга, замонавий услубдаги миллий кийим-кечакларга бўлган талабини қондиради. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида ҳам бу борада устувор вазифалар белгиланган. Партия “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгиси остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришга йўналтирилган тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш, хорижий маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга аҳд қилган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, жумладан, улар учун солиқ миқдорини камайтириш, божхона имтиёз ва преференциялари, имтиёзли субсидиялар ва бошқа шакллардаги давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини жорий этиш, халқимиз, айниқса, ёшларнинг бевосита Ватанимизда ишлаб чиқарилаётган замонавий сифатли кийим-кечакка бўлган эҳтиёжини таъминлаш, енгил ва ихчам тўқимачилик корхоналари сонини кўпайтириш каби устувор дастурий вазифаларини амалга оширишга бел боғлаган. Бу йўналишда партия ва фракциямиз мамлакатимизнинг турли ҳудудларида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш мақсадида давра суҳбатлари, семинарлар, амалий конференциялар ўтказиб келмоқда. Депутатларимиз бу тадбирларда фаол иштирок этиб, соҳадаги долзарб муаммоларни ўрганиш ва ижобий ҳал этиш, ишлаб чиқарувчиларни ўйлантираётган масалаларга ечим топишга интилмоқдалар. Бу борадаги ишларимиз эса, ўз навбатида, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши, миллий иқтисодиётимизнинг янада равнақ топишида муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши шубҳасиз.

Зумрад БЕКАТОВА,
Назир СОБИРОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзолари

MILLIY TIKLANISH
58 (430) 2016 йил 14 декабрь, чоршанба

Бугуннинг гапи

Телевизор қаршисидаги бола

унга қандай муносабатда бўлган маъқул?

...Фарғоналик Камола Расулова 5 ёшли ўғли Бехрўзни шифокор ва психологга кўрсатиш учун пойтахтга олиб келди. Опанинг айтишича, ўғли кичиклигидан бобо-бувиси-ю амма-амакиларига қўшилиб, асосий вақтини телевизор қаршисида ўтказган: турли кўрсатув ва киноларни қолдирмай кўра бошлаган. Онаси эса унинг "тинч" ўтирганидан хурсанд, рўзғор юмушлари билан банд бўлган. Оқибатда, болакай телевизорни аввал бўйнини қийшайтириб, бора-бора соатлаб бошини тик тутмай, кўрадиган бўлиб қолди.

— Ўғлим ҳеч ким билан гаплашмай қўйди: фақат телевизор кўрар, мультфильм қаҳрамонларига тақлид қилишни канда қилмасди, — дейди Камола Расулова. — Бундан хавотирга тушиб, унга телевизор кўришни тақиқлаб қўйдик. У эса асабийлашиб йиғлайдиган бўлди, умуман овқат емай қўйди. Шифокорлар ўғлимга невроз ташхисини қўйишди. Эътиборсизлигим туфайли шу кўйга тушиб ўтирибмиз...

Бир кеча-кундузда 50 дақиқа

"Агар телевидение худди ҳозиргидек ривожланишда давом этса, бугун туғилган бола 18 ёшга тўлгач, энг кўп вақтини уйқу ва телевизор қаршисида ўтказади", деб ёзган эди Энтони Гидденс "Социология" асарида. Бир пайтлар Борис Грабовский кашф этган телевизор бугун инсоният ҳаётининг мазмунига айланди. Одамлар кундалик турмушини янгиликлар, сериаллар ва шоуларсиз тасаввур қила олмайдиган, ҳатто кун тартибини теледастурларга қараб тузадиган бўлиб қолди.

Бир қарашда теледастурлар бугун гўё театр, музей, саёҳат ёки мутолаанинг ўрнини тўлдиргандек бўляпти. Бироқ экран воситасида дунёни танир эканмиз, аста-секин унга тобе бўлиб боришимизни ҳам унутмасак бўлгани.

— Ишдан уйга қайтгач, ўзимизни чалғитиш учун телевизор пультини босамиз, — дейди олий тоифали невропатолог-шифокор Сабоҳат Шорасулова. — Айрим оилаларда бу "қути" кеча-ю кундуз ишлайди. Аксарият ота-оналар телевизор фақат катта ёшли болалар учун зарарли, гўдаклар эса кўрса бўлаверади, деб ҳисоблашади. Бу хато фикр. Чунки сўнгги йилларда болалар касаллигининг информацион невроз тури кўп тилга олинадиган бўлди. Тадқиқотлар бу муаммонинг илдизини эрта болалик чоғларидан излаш кераклигини кўрсатмоқда. Ёш оналар бир гапни тез-тез такрорлашади: "боламни тинчлантиришнинг зўр йўлини топдим: — мультфильм қўйиб бераман, экрандан соатлаб кўз узмай ўтираверади. Мен эса ишларимни бемалол бажариб оламан...". Бу, айниқса, ҳозир кўп ота-оналар учун одатий ҳолга айланиб бормоқда. Олимлар эса айнан шундан ташвишда. Болада 2-3 ёшгача бош мия асосий структураси жадал суръатда ривожланиши илмий исботланган. Агар бола мунтазам телевизор таъсирига тушиб қолса, бу ривожланиш сусаяди. Чунки фақат экрандан нурланиш эмас, телевизор кўриш чоғида боланинг сезги аъзолари ҳам ҳаддан зиёд зўриқади. Оқибатда, бундай "юк" нозик, заиф, ҳали тўлиқ шаклланмаган организм учун оғирлик қилади. Невроз аломатларида "зангори экран"нинг зарарли таъсири дарҳол сезилмаслиги мумкин. Икки ёшга бориб ёки бироз кейинроқ ота-оналар болада салбий феъл-атвор шаклланаётганини пайқай бошлайди. Ҳаддан ортиқ таъсирланган бола тажовузкор, унинг арзимасдек туюлган инжиқлиги бора-бора зўравонликка айланиши ҳеч гап эмас.

Болалар невропатологлари фикрича, икки ярим ёшга етмаган гўдакка телевизор томошасини тақиқлаган маъқул. Улар билан имкон қадар кўпроқ суҳбатлашиш, китоб ўқиб бериш, қўшиқ куйлаш, сокин мусиқа тинглаш фойдали. Қолаверса, бола ва телевизор орасидаги масофа 3-4 метрдан кам бўлмаслиги керак. 3-7 ёшли кичкинтойлар суткасига 50 дақиқадан кўп телевизор қаршисида ўтирмаслиги лозим. 7 ёшдан катта болалар учун эса бу кўрсаткич узоғи билан 2 соат. Қолаверса, қоронғи хонада ётиб телевизор кўрмаслик жоиз. 2 ёшга тўлмаган бола умуман телевизор томоша қилмагани маъқул. Чунки бу унинг кўзи ва марказий асаб тизимига салбий таъсир кўрсатади.

Меъёрни билган ютқазмайди

Ҳеч эътибор берганмисиз: энди тили чиққан бола ҳам хорижий сериал қаҳрамонлари исмини ёд билади. Аслида, бу ҳам "оммавий маданият"нинг ўзига хос шакли. Хўш, "ойнаи жаҳон" олдида "михланиб" қолган бола руҳиятида қандай ҳолатлар юз беради?

— Бола телевизор кўрганида ота-онаси, албатта, унинг ёнида ўтириб, изоҳ ва тушунча бериб бориши керак, — дейди Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси, психолог Зилола Бозорова. — Аксарият замонавий фильмларда салбий характердаги персонажлар ҳам гўёки ижобий қаҳрамон сифатида кўрсатилади. 7-11 ёш бола руҳиятида айнан яхшини ёмондан ажратадиган давр саналади. Дейлик, 3-6 ёшдаги болага "бундай қилма, бу ёмон", деб тушунтирсангиз, у автоматик равишда сизга қулоқ солади, лекин кейинги босқичда фарзандингиз ҳамма нарсанинг сабабини билишга ҳаракат қилади. "Нега шундай?" деган саволга жавоб қидиради. Кўп вақтини телевизор қаршисида сарфлайдиган бола тенгдошлари уни тушунмаётганидан азият чекади. Чунки унинг дунёқараши мультфильм ва кино қаҳрамонларининг бошидан кечирганлари асосида шаклланади.

Афсуски, ҳаёт бошқа, кино бошқа. Қолаверса, экран қаршисида "михланиб" қолиши боладаги ақлий қобилиятни сусайтиради. Асосий вақтини "ойнаи жаҳон" қаршисида ўтказадиган ота-она эса фарзанди билан кам мулоқотда бўлади ва унинг кўп саволларини жавобсиз қолдиради. Бу боланинг нутқи яхши ривожланмай қолиши, мактабдаги фанларни ўзлаштиришда муаммолар юзага келишига олиб келади.

"Катта бўлсам, "ўргимчак одам" бўламан"

Телевизор қаршисидаги фарзандингизни кузатганмисиз? Бола жангари кино кўрса, нафас олиши тезлашади, кўзлари катталашиб, қўллари беихтиёр мушт бўлиб тугилиши мумкин. Бу — унинг асабийлашаётганидан далолат. Ҳозирги кунда телеэкранларимизда намойиш этилаётган айрим мультфильм қаҳрамонлари ҳам аллақандай нотабиий хайвону бадбашара маҳлуқлардан иборат. Қолаверса, уларда кўтарилаётган мавзу ҳам ўта мураккаб: катталар зўрға тушунади. Бундай намойишлар табиийки болани ваҳимага солади. Бола ўзи кўрган кино ёки мультфильм таъсирида қўрқиб ухлолмайди, айрим ҳолларда эса туни билан алаҳсираб чиқиши мумкин. Бундан ташқари, жангари фильмлар болаларни зўравонликка, тажовузкорликка мойил қилиб қўйиш эҳтимоли юқори.

— Яқинда бир ота-она тўрт ёшли боласини олиб келди, — дейди психолог Замира Азимова. — У асосий вақтини телевизор қаршисида ўтказаркан. Кунларнинг бирида телевизордан кўзини ўзмай ўтириб, бурнига думалоқ шарча солиб юборибди. Шундан сўнг болага телевизор кўришни тақиқлаб қўйишибди. Аммо у ҳар куни хархаша қилиб, эрта туриб телевизорни ёқиб кўяркан. Ота-она ўйловда, хавотирда. Шу ўринда савол туғилади: боланинг шундай ҳолга тушишига аслида ким сабаб-чи? Буларнинг бари бепарволик оқибати эмасми? Бугун аҳамиятсиз бўлиб кўринган ҳолатлар эртага жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ота-оналар фарзандлари билан тез-тез мулоқотда бўлмаслиги, уларни қизиқтираётган воқеа-ҳодисалар билан қизиқмаслиги, уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиши натижасида бола буткул телевизорга қарам бўлиб қолади.

Бир куни ўзи билан ўзи гаплашиб, "ўргимчак одам" каби ҳаракат қиладиган болани олиб келишди. Ундан бунинг сабабини сўрасам, "катта бўлсам "ўргимчак одам" бўламан, шунинг учун ҳозирдан тайёрланяпман", деб жавоб қилди. Ўн ёшли боланинг жавоби бу! Фарзандимизнинг руҳияти бузилгач, унга чора излаб қоламиз, аслида эса унинг тинч ўтиришига маҳлиё бўлмасдан, ўз роҳатимизни ўйламасдан фарзандимиз билан бирга дарс қилганимиз маъқулмасми? Қабулимизга келаётган ота-оналарга фарзандларини спорт тўгаракларига жалб қилиш лозимлигини айтсак, дарров масалани маблағга олиб бориб тақашади. Шунда уларга шундай савол бераман: хўш, фарзандингизни спортга ёки тўгаракка олиб боришга пул топилмас экан, унда "гап-гаштак", чойхона ёки турли-туман ўтиришларга қаердан маблағ топяпсиз? Шу гапимдан кейин кўплари ўйланиб-уялиб қолишади.

Албатта, бу билан болаларга телевизорни батамом тақиқлаш керак, деган фикрдан йироқмиз. Аммо меъёрни унутмаслик лозим. Яна шуни унутмаслик керакки, вақт бир жойда тўхтаб турмайди, кўз очиб юмгунча дилбандимизнинг бўйи ўзимиз билан тенг бўлиб қолганини сезмай қоламиз. Улар билан бирга ташвиш ва қувончлари ҳам катталашиб боради. Агар тарбиянинг пойдевори мустаҳкам қурилса, вақтида эътиборлироқ бўлсак, келажакда улар юз бериши мумкин бўлган муаммолар қаршисида ожиз бўлиб қолмайди.

Фарзандингиз қалбини асранг!

Демак, телевизорни боланинг ҳаётидан тўла-тўкис олиб ташлаш керак экан-да, деган киноямуз савол ҳам туғилиши бор гап. Бунга бизнинг жавобимиз шундай: йўқ, бунинг асло иложи йўқ! Фақатгина бола қайси кўрсатувларни кўриши мумкин, қайсиларини эса тақиқлашни жиддий таҳлил қилиш лозим бўлади. Яхшиси буни болалар билан теледастурлар матни илова қилинган газета воситасида танлаган маъқул. Масалан, "Бугун соат 18 да болаларга мўлжалланган кўрсатув бўлади. Шуни томоша қиламиз, қолган вақтни эса дарс қилишга сарфлаймиз, уй ишларига ёрдам берасизлар", каби вазифалар қўйиш орқали болада вақт ҳақидаги тушунчани ўстириб бориш мумкин. Фақат ота-оналар фарзандлари телевизор қаршисида қанча вақт сарфлаётгани, қайси каналларни томоша қилаётганини мунтазам назорат қилиш орқали болада ички интизомни шакллантириш кўзланган натижани беради.

Аслида, телевизорсиз ҳам болага яхши машғулотлар топса бўлади. Бунинг учун ҳафсала ва масъулият керак, холос. Энг аввало, катталар ўзлари учун қайси бири муҳим эканини аниқлаб олишлари зарур: бир-биридан қизиқ сериалларми ёки боласининг бенуқсон камол топишими? Унда оилавий тўпланиб, кичикроқ саёҳатларга чиқинг. Буни олдиндан режалаштириш шарт эмас, барчаси кутилмаганда бўлса янада яхши. Ҳар бирингиз навбат билан саёҳат йўналишини белгиланг. Шунда бироз вақтдан сўнг, кутилмаган нотаниш жойда ҳозир бўласиз. Болаларга кўпроқ сирли жойлар жуда маъқул келади.

Фарзандингиз билан келажакда, яъни 5-10 йилдан сўнг ўқишга мўлжалланган мактуб ёзинг. Унга турли расмларни чизиш ёки оилавий суратларни ҳам илова қилиш мумкин. Келажакда ўзига нимани ҳикоя қилишни боланинг ўзи танласин. Хатни бирор бир нарсага, масалан бутилкага солиб, уни герметик маҳкамланг. Устига эса у очиладиган санани кўрсатинг. Кўп йиллардан сўнг, фарзандингизнинг туғилган кунида ёки бошқа бир оилавий тадбирда бу мактуб қутилмаган, бироқ ёқимли совғага айланади.

Бир сўз билан айтганда, фарзандингиз унинг севимли машғулотларини у билан биргаликда бажаришга вақт ажратишдан асло эринманг. Телевизор болани машғул қилишнинг ягона йўли эмаслигини синаб кўринг.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ижтимоий реклама

Диққат, танлов!

"Аёллар ва ёшлар манфаатини ифода этувчи ННТ фаолиятини ёритган энг яхши ОАВ ва журналист" танлови тўғрисида

"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да белгиланган вазифаларни амалга ошириш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, ННТларнинг фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан аёллар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш, кўмаклашиш, шунингдек, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда ОАВ иштироки ва ролини ошириш, журналистларни рағбатлантириш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасидаги давлат сиёсатини ёритишга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда "Аёллар ва ёшлар манфаатини ифода этувчи ННТ фаолиятини ёритган энг яхши ОАВ ва журналист" танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

— Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ёки Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси номига танловда қатнашиш учун эркин хат;

— таҳририятлар учун — ОАВларида (газета, журнал ва сайт порталларида) 2016 йил давомида аёллар ва ёшлар манфаатини ифода этувчи ННТ фаолиятини ёритган ижодий ишлар рўйхати матни ёки нусхаси (шу жумладан, электрон шаклда);

— журналистлар учун — ОАВларида (газета, журнал ва сайт порталларида) 2016 йил давомида аёллар ва ёшлар манфаатини ифода этувчи ННТ фаолиятини ёритган ижодий ишлар рўйхати матни ёки нусхаси (шу жумладан, электрон шаклда);

— аёллар ва ёшлар манфаатини ифода этган ННТлар ижтимоий шериклиги намунасини ёритишга йўналтирилган мақоланинг газета, журнал, сайтда чоп этилганлигини тасдиқловчи босма, электрон нашрнинг маълумотномаси.

МУКОФОТЛАР:

биринчи ўринга:

— **"Аёллар ва ёшлар манфаатларини ифода этувчи ва бу борада давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишини ёритган"** таҳририятга — компьютер жамланмаси ва биринчи даражали диплом;

— "Аёллар ва ёшлар манфаатларини ифода этувчи ва бу борада давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишини ёритган"туркум мақолалар журналистига — компьютер жамланмаси ва биринчи даражали диплом.

иккинчи ўринга:

— **"Аёллар ва ёшлар манфаатларини ифода этувчи ва бу борада давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишини ёритган"** энг яхши таҳририятга — планшет ҳамда иккинчи даражали диплом;

— "Аёллар ва ёшлар манфаатларини ифода этувчи ва бу борада давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишини ёритган" туркум мақолалар журналистига — планшет ҳамда иккинчи даражали диплом.

учинчи ўринга:

— **"Аёллар ва ёшлар манфаатларини ифода этувчи ва бу борада давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишини ёритган"** энг яхши таҳририятга — фотоаппарат ҳамда учинчи даражали диплом;

— "Аёллар ва ёшлар манфаатларини ифода этувчи ва бу борада давлат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий шериклик муносабатлари ривожланишини ёритган"туркум мақолалар журналистига — фотоаппарат ҳамда учинчи даражали диплом.

Танлов доирасида турли номинациялар бўйича совриндорлар аниқланиши ва мукофотланиши мумкин.

Бундан ташқари, танлов иштирокчи ва ғолибларига бошқа ҳомийларнинг мукофотлари ҳам топширилиши мумкин.

Ҳужжатлар ушбу эълон ОАВда эълон қилинган кундан бошлаб 2016 йил 23 декабрь соат 17.00 гача қабул қилинади.

Танловда мамлакатимизда фаолият юритаётган босма ОАВ, журналистлар, ННТ вакиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 100049, Амир Темур шоҳкўчаси, 14-уй. (Ёки **uznntfond@umail.uz**, **uz.nntma@umail.uz upzero1992@yandex.ru** электрон почтасига).

Ҳужжатларни қабул қилишда почта штемпелидаги жўнатиш санаси ёки келтириб ўтилган электрон почта манзилига келиб тушган сана инобатга олинади. Ҳужжатлар тўғридан-тўғри топширилганда аризалар Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ёки Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Ҳужжатлар Times New Roman шрифтида, 14 кегл да расмийлаштирилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни **www.nntfond.uz** ва **www.ngo.uz** сайти ёки +99871 233-52-41; 233-35-26; 233-24-92 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Танлов ташкилий қўмитаси

Эълон!

"SIRDARYO UNIVERSAL KIM OShDI SAVDO SERVIS" масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг "Республика инкассация хизмати" давлат унитар корхонаси Сирдарё вилоят бошқармасининг 2016 йил 7 декабрдаги 06-07/138-сонли хатига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 майдаги 153-сонли қарорларига асосан қуйидаги автотранспорт воситаси аукцион савдосига қўйилмоқда:

"Республика инкассация хизмати" ДУК вилоят бошқармаси автогаражида сақланаётган автотранспорт воситаси:

1. "DAMAS-DLX", д/б 20 332 DAA, 1997 йил ишлаб чиқарилган, носоз, жорий ва мукаммал таъмир талаб ҳолда, бошланғич баҳоси – 8 078 928 сўм. Аукцион савдоси 2016 йил 27 декабрь куни соат 11:00 да бошланади.

Юқоридаги автранспорт воситаси шу йил 27 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2016 йилнинг 31 декабрь ҳамда 2017 йил 16 январь кунлари соат 11:00 да бошланишини олдиндан маълум қиламиз. Ушбу автотранспорт воситаси билан "Республика инкассация хизмати" ДУК вилоят бошқармасининг ишончли вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, бир кун қолганда тўхатилади. Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган гаров келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пулини автомототранспорт воситасининг номи, давлат белгисини, кўрсатган ҳолда "SIRDARYO UNIVERSAL KIM OSHDI SAVDO SERVIS" МЧЖнинг, АТ "Ўзсаноатқурилиш банк" Сирдарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлаши шарт:

Х/Р: 2020 8000 9004 0989 4001, МФО: 00 855,

ИНН: 303 121 227.

Савдо ғолибига 10 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 46-уй, 310-хона, телефон: 235-03-57. Хизматлар лицензияланган: реестр тартиб рақами № 224, гувоҳнома № 0224, 17 декабрь, 2014 йил берилган.

Бизнинг шарҳ

Тупроқ — қайта тикланмас бойлик

унинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш озиқ-овқат таъминоти ва хавфсизлигида муҳим омил

Сайёрамизда рўй бераётган глобал иқлим ўзгариши билан боғлиқ жараёнлар ер юзидаги экотизим барқарорлиги, иқтисодиёт ривожи ва инсон саломатлигига жиддий путур етказмоқда. Ушбу экологик муаммоларнинг салбий таъсирларини юмшатиш, табиий мувозанатни барқарорлаштириш, иқлим ўзгаришига сабаб бўлаётган фаолият турларини модернизациялаш инсоният олдида турган устувор вазифадир.

Бугун дунё бўйича 33 фоиз ер эрозия (емирилиш), шўрланиш, тупроқнинг зичлашиши, кимёвий заҳарланишга дучор бўлган. Тупроқ деградацияси — бузилишининг тезлашиши келажакда озиқ-овқат тақчиллиги муаммосини юзага чиқариши мумкин. 2050 йилда дунё аҳолиси сони 9 миллиардга етиши кутилмоқда. Бу эса озиқ-овқат маҳсулотлари, ем-хашак, ипак толасига бўлган эҳтиёжнинг 60 фоизга ошишига сабаб бўлади. Устига-устак қишлоқ хўжалигини юритиш учун яроқли ерларни ўзлаштириш имкониятлари тобора камайиб бормоқда. Қолаверса, қишлоқ хўжалиги учун ажратилган қўшимча ер фондларининг катта қисми яроқсиз, улардан фойдаланиш эса катта сарф-харажатни талаб этади.

Таъкидлаш жоиз, бугунги кунда иқлим ўзгариши дунёнинг барча мамлакатлари учун долзарб муаммога айланган. Айни пайтда Африка қитъасининг 40 фоиз ер ресурси деградацияга учраган. Бу эса қитъанинг айрим минтақаларида қашшоқлик, очарчилик, ишсизлик, мажбурий миграция, турли зиддиятларга сабаб бўлмоқда. Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни ошириш мақсадида қитъада бир нечта дастур амалга татбиқ этилаётир.

Масалан, Кагера дарёси агроэкотизими ҳавзасини бошқариш дастури минтақавий лойиҳа бўлиб, мазкур дарё оқиб ўтадиган Африканинг тўрт мамлакати — Бугунди, Руанда, Танзания ва Угандани қамраб олади. Бугун мазкур минтақа агроэкотизими иқлим ўзгаришлари, аҳолининг тез суръатларда ўсиши, қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликни ривожлантириш натижасида юзага келган ернинг деградацияси ҳисобига ресурс базанинг камайиши ва чучук сув тақчиллиги билан боғлиқ муаммоларни бошдан кечирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур ҳудуд биохилмахиллигига, озиқ-овқат таъминотига, провардида аҳоли турмуш-тарзига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур лойиҳа Кагера дарёси ҳавзасида ер ресурсларидан фойдаланишда ялпи экотизимли ёндашувни татбиқ этиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда қишлоқ жойларида аҳоли турмуш сифатини яхшилашни назарда тутади.

2007 йилда Африка давлатлари тасдиқлаган "Саҳрои Кабир ва Сахель учун буюк яшил девор" ташаббуси ўрмонлар, яйловлар ва бошқа табиат ресурсларидан омилкорлик билан фойдаланиш, Саҳрои Кабир минтақасида ернинг деградацияга учраши ва чўлланиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ҳамда унинг оқибатларини юмшатиш воситасида маҳаллий аҳолига ёрдам беришни кўзда тутади. Буркина-Фасо, Чад, Жибути, Эритрея, Эфиопия, Гамбия, Мали, Нигер, Нигерия ҳамда Сенегалда бу борада ҳаракат дастури ишлаб чиқилган. Жазоир, Миср, Мавритания, Суданда эса бу йўналишдаги ишлар давом этмоқда. Хусусан, Сенегалда 27 минг гектар деградацияга учраган ерни қайта тиклаш учун 11 миллион кўчат экилди. Мавританияда қум кўчишини меъёрлаштириш борасида фаол иш олиб борилаётир. Мали, Буркина-Фасо ҳамда Нигерда ернинг деградацияга учрашини бартараф этиш мақсадида Буюк Британиядаги Қироллик ботаника боғи ҳамкорлигида ҳосилдор ерларга мос келадиган дарахт, бута ва чим ўтказиш ишлари амалга оширилмоқда.

Тупроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда беқиёс ўрин тутади. Бундан ташқари, сувни фильтрлаш, углерод диоксиди ва бошқа бўғхона газлари ташланмаларини тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги урбанизация (шаҳарлашиш) ва жадал техника тараққиёти табиатни асраб-авайлашга эътиборни янада кучайтириш, бу борадаги амалий ишлар самарадорлигини оширишни талаб этмоқда. Зеро, урбанизация жараёни ҳам тупроқ сифатига таъсир кўрсатувчи омил саналади. Шаҳарларнинг кенгаётгани ва саноатнинг ривожланиши, хусусан, янги иншоотлар қурилиши, ерга асфальт ва бетон ётқизиш тупроқ ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар йили тупроқнинг 25-40 миллиард тоннадан иборат устки қатлами емирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, тупроқнинг углерод, тўйинадиган моддалари ва сувни ўзида сақлаш хусусиятига таъсир ўтказиб, ҳосилдорликнинг камайишига олиб келаётир. Ҳар йили эрозия — тупроқ емирилиши оқибатида дунё бўйича 7,6 миллион тонна дон экинлари нобуд бўлмоқда. Агар эрозияни камайтириш бўйича ўз вақтида зарурий чора-тадбирлар кўрилмаса, 2050 йилга бориб тахминан 1,5 миллион квадрат километр қишлоқ хўжалиги ер майдонидаги 253 миллион тонна донли экин зарар кўриши мумкин. Айтиш жоиз, бир сантиметрли ер қатламининг ҳосил бўлиши учун тахминан юз йил вақт талаб этилади. Бироқ эрозия оқибатида ҳосилдор ер бир йил ичида яроқсиз ҳолатга келиб қолиши ҳам бор гап.

Антропоген ва табиий омиллар оқибатида сайёрамизда ҳар йили минглаб гектар майдон чўлга айланмоқда. Масалан, тупроқ таркибида туз миқдорининг ошиши ҳосилдорликни камайтириб, ерни бутунлай яроқсиз ҳолга келтириб қўйиши мумкин. Тупроқнинг шўрланиши оқибатида эса дунё бўйича тахминан 760 минг квадрат километр ер майдони зарар кўрмоқда.

Қишлоқ хўжалигида самарасиз усулларни қўллаш — тупроқдан органик моддаларни ажратиб олиш, ҳаддан зиёд суғориш ва бунинг учун сифатсиз сувдан фойдаланиш, гербицид ва пестицидларни меъёрдан кўп миқдорда қўллаш тупроқ озиқ моддаларини камайтириб, ҳосилдорлик пасайишига, ернинг деградацияга учрашига сабаб бўлаётир.

Бу йилги Жаҳон тупроқ куни (5 декабрь) "Тупроқ ва дуккакли экинлар" шиори остида кутиб олинди. Шу боис, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги бўйича ташкилоти (ФАО) тайёрлаган бу йилги маърузада дуккакли ўсимликларга соғлом тупроқ меъморлари, дея таъриф берилган.

Дарҳақиқат, дуккакли экинлар, айниқса, ясмиқ, ловия ва нўхат тупроқ ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади. Дуккакли экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига тупроқ унумдорлигини ошириш мумкин. Бу эса нафақат мазкур ўсимликлар, балки бошқа экинлардан ҳам юқори ҳосил олиш имконини беради. Дуккакли ўсимликлар чуқур илдизга эга. Бу эса уларни ҳар қандай шароитга, хусусан, қурғоқчилик, иқлим ўзгаришларига мослашиш ҳамда унинг оқибатларини юмшатишга имкон яратади.

"Аҳоли сони кўпаяётган, урбанизация жараёнлари кучаяётган, иқлим кескин ўзгараётган, озиқ-овқат маҳсулотларига талаб ошиб бораётган бир пайтда ҳаёт учун ниҳоятда муҳим бўлган тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда, — дейилади Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жаҳон тупроқ куни муносабати билан йўлланган бу йилги мурожаатида. — Ердан омилкорлик билан фойдаланиш инсониятни озиқ-овқат ва тоза сув билан таъминлаш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш ҳамда иқлим ўзгаришларига мослашиш имконини беради. Дуккакли ўсимликлар эса ҳам тупроқ ҳолатини яхшилайди, ҳам инсон соғлиғи учун жуда фойдали. Етилган ловия, нўхат, ясмиқ ва бошқа дуккакли экинлар атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, ҳосилдорликни ошириш, иқлим ўзгаришларига мослашиш, тупроқ ҳамда ўсимликларнинг зарурий микроэлементлар билан тўйинишини таъминлайди".

Шу ўринда бир мисол. Дуккакли экинлар етиштириш ва экспорти бўйича дунёда етакчи мамлакатлардан ҳисобланган Канадада уларни алмаштириб экиш синтетик азотдан фойдаланиш ҳажмини учдан икки бараварга камайтириш имконини бермоқда. Бу, ўз навбатида, бўғхона газлари ташланмаларни миқдорини камайтиришда ҳам муҳим ўрин тутаётир. Дуккакли экинлар очарчиликка қарши курашиш, қишлоқ ҳудуди аҳолиси даромадлари ошишига ҳам хизмат қилади. Бундан ташқари, улар таркибида инсон организми учун фойдали органик модда — оқсил миқдори гуручга қараганда уч баравар кўп, темир, магний, калций, фосфор ҳамда рух моддаси мавжуд. Бундай экинлар В витаминига бой бўлади, ёғ миқдори ниҳоятда паст, холестерин учрамайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тупроқ — битмас-туганмас бойлик эмас. Шу боис табиатнинг бу бебаҳо неъматидан қанчалик унумли ва омилкорлик билан фойдалансак, дастурхонимиз янада тўкин бўлади. Бунинг самараси эса сайёрамиздаги долзарб экологик муаммоларнинг табиат ва инсон саломатлигига етказадиган салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда барқарор ривожланишга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Рангин дунё

Франциянинг Мюлуз шаҳрида жойлашган ушбу музейни Париждаги машҳур Лувр музейига қиёслашади. Сабаби уларда дунёнинг ҳеч қаерида учрамайдиган ноёб экспонатлар сақланади. Музей экспозицияси Мюлуз шаҳридаги эски тўқимачилик корхонаси биносида жойлашган. Унда Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган беш юзга яқин эски русумдаги автомобиллар сақланади. "Bugatti" компанияси ишлаб чиқарган автомобиллар музейнинг энг нодир коллекцияси саналади.

Антиқа музей

Музейнинг ташкил топиши ўзига хос тарихга эга. Бундан 110 йил муқаддам — 1906 йилда Италиянинг Оменья коммунасида Карл ҳамда Жанна Шлумпф оиласида иккинчи фарзанд — Фриц дунёга келади. Орадан икки йил ўтиб, мазкур оила Францияга кўчиб ўтади. Ака-укалар улғайиб, ўзлари қизиққан соҳаларда фаолият кўрсата бошлайди. Шлумпфлар оиласининг тўнғич фарзанди — Ганс молия, Фриц тўқимачилик соҳасини танлайди. 1939 йилда Фриц Мальмерспак коммунасидаги тўқимачилик корхонасига ишга киради ва кейинчалик уни бошқарди. Эски русумдаги, айниқса, "Bugatti" автомобилларига қизиқиши баланд бўлган Фриц 32 ёшида "Bugatti 35B" автомобилини сотиб олади. У 45 ёшида мазкур автомобилда ҳатто, пойгада иштирок этади. 1957 йилда Фриц яна учта "Bugatti" автомобилини харид қилади. Ака-ука Шлумпфлар тўқимачилик саноатида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб, уларнинг даромадлари йил сайин оша боради. Шунда Фрицда Европада ишлаб чиқарилган олиймақом эски автомобиллар коллекциясини тўплаш орзуси пайдо бўлади. 1957 йилда "Bugatti" автомобиллари сафига 1904 йилда Швейцарияда пойга учун ишлаб чиқарилган икки ўриндиқли "Dufaux", Франциянинг "Le Zebre" ва "Voisin" русумли автомобиллари ҳам қўшилди. 1960 йилнинг ёзида у яна ўнта "Bugatti", учта "Rolls-Royce", иккита "Hispano Suizas" ҳамда битта "Tatra" автомобилини сотиб олади. Йил сўнггида унинг коллекциясидан ўрин олган автомобиллар сони 40 тага етади.

1962 йилда Фрицнинг қўлига банагоҳ "Bugatti" автомобили бор кишиларнинг рўйхати тушиб қолади. Фриц уларнинг ҳар бирига мазкур автомобилларни харид қилиш бўйича таклиф билан чиқади. Табиийки, бундан икки томон ҳам манфаатдор эди. Шундай қилиб, унинг коллекциясидаги "Bugatti" русумидаги автомобиллар қарийб элликка яқинлашади.

Автомобиль йиғишга муккасидан кетган Фриц бир йил ўтиб, "Bugatti" компаниясидан яна 18 автомобиль, тўрт шасси, саккиз двигатель ва бошқа авто эҳтиёт қисмларини харид қилади. Бундай катта харидлар туфайли унинг коллекциясидан ўрин олган автомашиналарни бевосита компания заводида таъмирлаш борасида келишувга эришилади. "Иштаҳа овқат пайти келади" деганларидек, Фриц Шлумпф фақат бу билан чекланиб қолмайди. У АҚШлик коллекционер Жон Шекспирдан ўттизга яқин "Bugatti" автомобилини харид қилади. Аввалига Жон уларнинг ҳаммасини 110 минг долларга баҳолайди. Бироқ уларга Фрицдан бошқа харидор бўлмагани учун 85 минг долларга сотишга мажбур бўлади. Яъни, ўрта ҳисобда ҳар бир автомобиль 3 минг долларга тенг баҳода сотиб олинади. Қиёслаш учун: 1964 йилда янги чиққан "Ford Mustang" автомобили қарийб шу нархда сотилган. Бугунги кунда эски русумдаги "Bugatti 41 Royal" автомобиллари аукционларда бир неча миллион долларга баҳоланаётгани ҳисобга олинса, Фриц автомобилларни ўша пайтда жуда арзон сотиб олгани ойдинлашади. Фриц коллекционерлик фаолияти давомида 97 русумда 437 автомобиль тўплайди. Бироқ у харид қилган автоуловлар орасида "Bugatti" туркумига кирувчи "Bugatti 41 Royale" автомобили ўзига хос ўрин тутади.

1965 йилда Фриц ўзининг иккинчи орзуси — автомобиль музейини ташкил этишга киришади. Бу, албатта, катта харажатни талаб этар эди. Шу боис Мюлуз шаҳарчасидаги корхона ишчилари ишдан бўшатилиб, асбоб-ускуна ва газламалар компаниянинг бошқа корхоналарига жўнатилади. Тўқимачилик корхонаси, хусусан, унинг бош биноси қайта қурилади. 17 минг квадрат метрли кўргазма залларига замонавий ёритиш воситалари ўрнатилди. Музейни 1976 йилнинг баҳорида очиш режалаштирилган эди. Бироқ мамлакатда юзага келган молиявий-иқтисодий инқироз Шлумпфлар компаниясини ҳам четлаб ўтмайди. 1971 йилда ака-укаларга тегишли корхоналардаги ишчилар иш ташлаш эълон қилади. Уларнинг компанияси банкрот деб эълон қилиниб, рамзий маънодаги 1 франк эвазига сотиб юборилади. Компания банкрот деб эълон қилинганидан сўнг, ака-ука Шлумпфлар Францияни тарк этиб, Швейцарияга кетишга мажбур бўлади. Ишидан айрилган бир гуруҳ аламзада ишчилар эса 1977 йил 7 мартда Мюлуз шаҳридаги корхона ҳудудига бостириб киради. Улар асосий бино залининг чироқларини ёққанларида, ўзига хос манзарага дуч келишди: залда турли русумдаги эски автомобиллар териб қўйилган эди. Улар автомобилларни сотиб, пулини тақсимламоқчи ҳам бўлишади. Бироқ уларнинг бу нияти амалга ошмай қолади. 1978 йилда автомобиллар коллекцияси француз ҳукуматининг махсус қарори билан тарихий ёдгорликлар сафига киритилади. 1981 йилда эса унинг манбаида Франция миллий автомобиль музейи ташкил этилади. Ўша йилнинг 10 декабридан музей томошабинларни қабул қила бошлайди.

Бугун музей коллекциясидан "Mercedes-Benz"нинг турли русумлари, хусусан, "37/70" (1906 йил), "720SSK" (1929 йил), "290" (1937 йил) ҳам ўрин олган. Бу ерда 1941 йилда Францияда ишлаб чиқарилган, алюминдан ишланган "AFG Gregoire" тажриба автомобилини ҳам томоша қилиш мумкин. 1923 йилда "SCOTT" фирмаси ишлаб чиқарган аравачали мотоцикл ҳам музейнинг ноёб экспонатларидан саналади. 1937 йилда "Horch" компанияси ишлаб чиқарган, 1930-1940 йилларда Германияда урф бўлган "670" русумли автомобиль ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Шунингдек, музей экспозициясидан "Ferrari"нинг 1954 йилги "450 AM" ҳамда

1969 йилда Франциянинг "Simca" компанияси ишлаб чиқарган автомобиллар ўрин олган. Музейда 1902 йилда Францияда ишлаб чиқарилган дунёдаги илк тезюрар автомобиллардан бири "Serpollet", 1908 йилги "Sizare-Naudin" ҳам бор.

Музей залларида янги машиналар лойиҳалари, уларнинг ишлаб чиқарилиши, синовдан ўтказилиши ҳақидаги видеофильмлар ҳам намойиш этилади. Улар орасида "Bugatti"нинг "Veyron 16.4" русумли автомобилига бағишланган видеофильм кўпчиликнинг қизиқишига сабаб бўлмоқда. Бу автомобилни нафақат видеолавҳа орқали, балки бевосита ҳам томоша қилиш мумкин. Музей тўридан жой олган автомобилнинг двигатели 1,2 минг от кучига эга. Унинг тезлиги соатига 431 километр бўлиб, қарийб бир сонияда 100 километр тезликка эриша олиши билан ҳар қандай автоҳаваскорнинг диққатини жалб этиши, шубҳасиз.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Машҳур ёзувчига ўхшайдиган робот

Японияда замонавий япон адабиётининг энг йирик вакилларидан бири Нацумэ Сосэкига (1867-1916 йиллар) айнан ўхшаш робот яратилди.

Робот ёзувчи вафот этган кунинг (9 декабрь) 100 йиллигига бағишланди. Уни яратиш устида Нисёгакуся университети ва роботлар яратиш билан шуғулланувчи машҳур Осака университети олимлар гуруҳи иш олиб борган. Роботни ишлаб чиқаришда Нацумэ Сосэкининг суратлари, унинг бўйи ва вазни ҳақидаги маълумотлар, ҳатто набирасининг овозидан ҳам фойдаланилди.

Ускунадан таълим олиш жараёнида, хусусан, Нацумэ Сосэки асарларини болаларга ўқиб беришда фойдаланиш режалаштирилмоқда.

Робот технологиялари фестивали

Эстониянинг Таллин шаҳрида "Robotex" робот технологиялари фестивали ўтказилди.

Унда уч мингга яқин киши иштирок этди. Таллин техника университети ҳудудида бўлиб ўтган уч кунлик фестиваль доирасида роботлар иштирокида турли йўналишда 23 мусобақа ўтказилди. Айниқса, роботларнинг сумо беллашуви, Таллин техника университети талабаларининг ер ҳайдашга мўлжалланган ҳайдовчисиз тракторлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Фестиваль иштирокчилари учун қиррқа яқин илмий семинар ҳамда фазовий технологиялар бўйича конференция ташкил этилди.

Аккумулятор қўл ҳаракатидан қувватланади

Бармоқлар ҳаракатидан қувват оладиган "HandEnergy" деб номланган аккумулятор ишлаб чиқарилди. Ундан мобиль қурилмаларни қувватлашда фойдаланиш мумкин.

"HandEnergy" аккумулятори юмалоқ шаклда бўлиб, унга бармоқнинг айлана ҳаракати билан ишга тушадиган ротор ўрнатилган. Бармоқлар машқидан эса электр қуввати ҳосил бўлади. Гажетга ҳар қандай USB-кабелни улаш ва мобиль қурилмани қувватлаш мумкин. Аммо, энергия ишлаб чиқиш жараёни бирмунча секин амалга ошади. Яъни, унинг ичидаги ротор бир соатга яқин айланганидан сўнг аккумулятор тўла қувват олади. "HandEnergy" мобиль қурилма қувватини кун давомида бир маромда сақлаш имконини беради.

Ҳозирда "HandEnergy" аккумуляторини ишлаб чиқиш учун "Kickstarter" сайтида маблағ йиғиш жараёни давом этмоқда. У 69 еврога баҳоланмоқда.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

MILLIY TIKLANISH
58 (430) 2016 йил 14 декабрь, чоршанба

Ҳунарманд

Мўъжизакор тупроқ жозибаси

Болалик пайтларимиз онам уйимизга кулолчиликнинг бетакрор маҳсули — гулдон олиб келгани ҳамон эсимда. Унинг нафислиги, ўзига хос ранги, шаклларидаги фалсафий образлар биз, болаларни роса ҳайратлантирганди. Мени кўпроқ гулдондаги манзара қизиқтирган: балиқлар, сувлар, қум тепаликлар...

Орадан йиллар ўтди. Узоқ йиллар хонадонимизнинг қадрли буюмига айланган бу гулдон муаллифини яқинда топдим: у шерободлик кулол ва мусаввир, Ўзбекистон халқ устаси Қудрат Асроров эди. Гулдондаги тасвир эса унинг "Орол" асари экан.

...Шеробод йўли. Борлиқда куз билан ўрин алмашаётган қиш манзараси: изма-из ёққан оппоқ қор Сурхон офтобининг майин ҳароратига тоқат қилолмай эрий бошлаган, дарахтлару ток шохларида қолиб кетган ул-бул мевалар кўзга ташланади — қушларнинг насибаси. Рассом тасвир этар манзара ҳам шу: табиатнинг инсонга ва одамларнинг табиатга инъоми.

Шу хаёллар билан манзилга ҳам етиб келдик. Кулол Қудрат Асроров хонадонига кириб борарканмиз, ҳовлининг бир бурчидаги "кичик музей" ярқ этиб кўзга ташланди. Бу ерда кулолнинг 40 йиллик ижодий фаолияти маҳсули жамланган.

— Болалигимизда мактабга элтувчи йўлда бир хонадон бўларди: уста Избосар бобонинг уйи. Ёғоч дарвозасининг хиёл очилган еридан кўриниб турган қатор кўзалар мени ҳам ҳайратга солган, — дейди Қудрат кулол. — Кўнглимизда уста билан кўл олиб кўришиш, кўзаларини яқиндан томоша қилиш ҳаваси ҳарчанд устунлик қилмасин, бунга журъатимиз етмасди. Гўё кулол бизга қимматли вақтини ажратиб, ўзининг юмушларидан қолиб кетадигандек бўлаверарди.

Улғайиб билдимки, уста кулол ва унинг ўғиллари Тўлабой ва Ҳамро Ашуровлар кулолчилигимизнинг пешқадамларидан экан. Айниқса, улар ясаган кўзаларда ичимлик суви таъми ўзгармас, ёзда эса муздек турарди. Харидорларга ҳам уста кўзаларининг айни шу жиҳати кўпроқ маъқулдай эди гўё. Туманимизда яна Абдурайим кулол бўлиб, унинг рўзғор учун ясаган буюмлари узоқ йиллар одамларга хизмат қилган. Бизнинг авлодимизда фақат онамнинг тоғаси ёғоч устачилиги билан шуғулланган. У эл орасида Қурбон Қувват номи билан танилган бўлиб, асосан ёғочдан қошиқлар, лаганлар, отлар учун эгар-жабдуқ ясар эди. Мен кулолчилик ишига талабалигимдан бошлаб қизиқа бошладим. Пойтахтда усталар ишини кузатганим, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев билан бўлган кўплаб ижодий суҳбатлар кулол бўлишимга туртки берди. Бир гал рассом устахонасида эдим. Санъатшунос олим Акбар Ҳакимов келиб қолди. Ёнимда турган "Сурхондарёлик момолар" ҳайкалчасини кўриб, олим "буларни ким ясади?", деб сўради. Муаллиф мен эканимни билгач Рўзи Чориевга "истеъдодлар юзага чиқмоғи керак", деди. Рўзи ака эса "истеъдодлар ўзини ўзи яратади", деди қатъият билан бошқа саволга ўрин қолдирмай. Шу бўлдию, кулолчилик қисматимга айланди. Озми-кўп эл-юрт таниди. Ижоднинг асари нафақат истеъдод, балки тинимсиз меҳнат ва фидойилик маҳсулидир. Ўзимдан қиёс: лойни қўлимга олганимда ишнинг тезроқ битишини эмас, кўпроқ сифат ва бетакрорликка эътибор қараганман. Ишим унмаётганини сезсам маълум бир вақт танаффус қилиб, сўнг яна киришаман, сабаби такрорлар бўлиб қолиши мумкин. Аввал яратилган санъат асарларини, усталар мактабига хос ишларни доимий кузатиб, ўрганиб борсамда, аммо уларни айнан такрорламасликка ҳаракат қиламан. Археологик қазишмаларда иштирок этишга вақт топиш ҳам жуда муҳим, боиси топилган сопол буюмлардан ҳам жуда кўп нарса ўрганиш мумкин. Чунки тарих бу — улуғ мураббий, топилмалар менга янги ишларимни яратишга туртки беради.

Баъзан лой ўйнаётган болаларни кузатишга тўғри келади. Шунда худди қачонлардир моҳир устадан ҳунар сирларини ўрганаётганимда унинг бармоқларини кузатганим сингари юрагим ҳаприқиб кетади. Бармоқлар ҳаракатида инсоннинг юрак уришидан то ҳаяжон ва завқигача мужассам бўлади. Одамлар ўзаро сўз воситасида мулоқот қилса, кулол лой билан суҳбатлашади, қизғин "баҳс"га киришади...

Кулолнинг айтишича, қадимда Шерободдан етти дарё оқиб ўтган. Улар олис тоғлардан бошланган. Дарё суви ўз йўлида қанча тошларга урилган, пишган. Табиий унинг лойқаси маълум масофаларда тиниб, қолиб кетган. Шерободнинг туман марказига яқин бўлган Ғамбур қишлоғида қадим дарёларнинг ана шундай излари бор. У ерда 2-10 метр қалинликдаги лойқа қатлам сақланиб қолган. Кулоллар ана шу тупроқдан доимий фойдаланиб келади. Маҳаллий халқ тилида "саккиз тупроқ" деб аталадиган бу тупроқ таркиби бой, ранги эса қизил. Аммо ясалган сопол буюмларда тупроқ ранги ўзгариб, оч сариқ тусга киради. Бунинг сабабини сўраганимда, кулол "еримизда туз миқдори нисбатан кўпроқ, эҳтимол шундандир", деб жавоб қайтарди.

Олиб келинган тупроқ дастлаб ивитилиб, ғўрагил, яъни кесаклари обдон эзилади — лойқа ҳолатга келтирилади. Одатда, текисроқ жойга таркиби пахта ёки жундан бўлган матолар тўшалиб, 5-10 сантиметр қалинликда махсус ҳовузча-қолипга лойқа қуйилади. Мато лойқа сувини ўзига тортиб, қурий бошлагач, уни гилам ё қанорга ўраб, лой меъёригача пишитилади. Шундан сўнг лой буткул очилмайди: керагича ишлатилиб, қолгани ёпиқ ҳолда сақланади. Тайёр бўлган шакллар, буюмлар табиий ҳолатда қуритилади. Буюм композициясининг муҳим белгиси саналган ранглар танланади, бўялади. Шу ҳолатда улар 600 даража иссиқликда хомпаз жараёнидан ўтади. Ранг буюмга сингади. Сўнгра улар сирланиб, яна оловга қўйилади. Энди ҳумдаги ҳарорат 7 соат давомида 960 даража иссиқликка кўтариб борилади. Жараён туйнуклардан кузатиб турилади. Буюмлар тайёр бўлганини ҳум ичидаги манзарадан ҳам сезиш мумкин экан. Айтишларича, унинг ичи ойдин бўлиб, буюмлар аниқ кўрина бошлайди.

Қудрат Асроров республика "Ҳунарманд" уюшмаси ва Бадиий академия аъзоси. Унинг асарлари Россия, Хитой, Ҳиндистон, Япония, Германия ва Англияда ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш қилинган. Асарларнинг асосий мавзуси — Ватан, мустақиллик, оила, ўтмиш ва келажак, экология, миллий қадриятлар, буюк алломаларимиз мероси... Исо ат-Термизий, Имом ал Бухорий, "Алпомиш" достони яратилганлигининг 1000 йиллиги ва Термиз шаҳрининг юбилейи муносабати билан дунёга келган туркум асарлар кулол ижодхонасини бойитди.

Ҳозирда пойтахтда ижод қилаётган ўғли Ўткир Асроров ота касбининг давомчиси. Камолиддин Беҳзод номидаги рассомчилик ва миллий дизайн институтининг "Маҳобатли ҳайкаллар" бўлими магистратурасида таҳсил олаётган ёш уста устозлари — Ўзбекистон санъат арбоби, академик Илҳом Жабборов ҳамда Камол Жабборовдан ҳайкалтарошлик сирасрорини ўрганмоқда. Ўткирнинг "Илҳом париси" иши республика рассомчилик ва дизайн коллежининг кираверишини безаб турибди.

— Ота-она учун фарзанди муваффақиятини кўришдан ортиқ бахт йўқ, — дейди Қудрат Асроров. — Ўғлимга доимо ўрганишдан тўхтамасликни, ўз йўли ва услубига эга бўлишини маслаҳат бераман. У устозлари ёнида юриб, Бухородаги "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи, яқинда Термизда янгидан ўрнатилган "Мотамсаро она" ҳайкали ва божхона мажмуида яратилган маҳобатли ҳайкални бунёд этишда қатнашди. Оиламизда мен бошлаган ишнинг давомчилари сифатида ўғлим ва келиним ҳайкалтарош сифатида фаолият кўрсатаётгани менга чексиз ғурур бағишлайди. Фарзандларимнинг миллий қадриятларимизга бўлган муҳаббати янада кучли, келажакда эса ота-боболаримизнинг муносиб давомчилари бўлишини истардим...

Ўзбекистон халқ устаси Қудрат Асроров ЎзМТДПдан халқ депутатлари туман Кенгашига депутат этиб сайланган. У партия сайловолди Платформасида белгиланган юксак эстетик қимматга эга бўлган миллий ҳунармандчилик турларини рағбатлантириш, қайта тиклаш ва ривожлантириш, қадимги бадиий-ҳунармандлик мактабларининг қадриятларини сақлаб қолган ҳолда ёш авлод орасида қадимий ҳунарларимизнинг "устоз-шогирд" анъаналари асосида давом эттириш каби вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бахром НОРМУРОДОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Зулук — табиат мўъжизаси

Зулук билан даволаш, яъни гирудотерапия қадимий даво услуби саналади. Тиббий зулукни биологик фаол моддалар ишлаб чиқарувчи кичик "фабрика"га қиёслаш мумкин.

Фанда тўрт юзга яқин зулук тури маълум. Бироқ табобатда фақат унинг икки (дорихона ва тиббий) тури ишлатилади. Тиббий зулук бошчасида 5 жуфт кўз, оғзида эса 3 тишдан иборат жағ бор. Зулук улар ёрдамида терини 1,5 миллиметр чуқурликда тишлаб, 5-15 миллилитр ҳажмда қон сўради. Тишлар кирган жойдан 3-24 соат ичида яна шунча қон оқиб чиқади. Бир даволашда 5-7 зулук қўйилади.

Зулук билан муолажа милоддан минг йил аввал ҳам кенг қўлланилган. Масалан, буюк табиблар Абу Али ибн Сино, Гиппократ ва Гален улар ёрдамида беморлар дардини енгиллаштирган. Гирудотерапия, айниқса, XVIII аср охири XIX аср биринчи ярмида оммалашиб кетди.

Зулукнинг қонга юборадиган сўлаги таркибида гирудин, гиалуронидаза, дестабилаза, эглин, антибиотик каби 100 га яқин биологик фаол моддалар мавжуд. Бу табиий моддалар организм фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Гирудин қон қуйилиши, оғриқ қолдирувчи, яллиғланиш, тромб (қон қуйилиши натижасида лахта-тромб ҳосил бўлиши) пайдо бўлишининг олдини олувчи хусусиятларга эга. Дестабилаза тромбларнинг, гиалуронидаза чандиқли касалликларнинг сўрилишида фаол иштирок этади. Эглинлар тўқималарнинг жароҳатланиши ва яллиғланишини камайтириш хусусиятига эга.

Тиббий зулук одам организмини 30 хил таъсир воситасида даволаш хусусиятига эга. Табиий шароитда зулуклар ўз ўлжасини ҳидидан топади. Ҳид сезувчанлиги юқори бўлгани сабабли улар спирт, тамаки ва атир ҳиди келадиган терига ёпишмайди. Ҳозирги кунда зулуклар, асосан, сунъий, яъни фабрика шароитида етиштирилади. Шу сабабли улардан бемалол фойдаланса бўлади.

Зулуклардан бир маротаба фойдаланилади. Бу эса касаллик юқтириш хавфининг олдини олади. Муолажадан сўнг улар ташлаб юборилади.

Зулуклар турли хасталикларнинг олдини олиш билан бирга иштаҳани очади, уйқуни яхшилайди. Муолажадан сўнг беморда ҳам иммунитет, ҳам кайфият кўтарилиб, моддалар алмашинуви жараёни тезлашади. Вужуддаги турли яллиғланиш ўчоқлари бартараф этилади.

БИЛАСИЗМИ?

● 2014 йилда АҚШнинг Нью-Жерси шататидаги "Six Flags Great Adventure" хиёбонига ўрнатилган "Zumanjaro" — дунёдаги энг баланд арғимчоқ саналади. Унинг баландлиги 126 метр бўлиб, соатига 206 километр тезлик билан ҳаракатланади.

ТУРФА ОЛАМ

Юрак уришини ўлчайдиган соат

"Cronovo Inc" компанияси электрокардиограмма (ЭКГ) олиш учун "Cronovo" номли махсус электродли — "ақлли" соат ихтиро қилди.

"Cronovo" соатлари думалоқ AMOLED-дисплей-циферблатга эга, одатий дизайнда ишланган. Корпусдаги электродлар юрак уруши график тасвири — электрокардиограмма олиш учун хизмат қилади. Компания ўлчов аниқлигини 99,9 фоиз деб баҳоламоқда.

ЭКГ олиш спортчилар, беморлар ва масофадан туриб беморлар билан ишловчи шифокорларга ёрдам беради. Бироқ гажет тиббиёт асбоби сифатида тақдим қилинмаган. Унинг кўрсатмаларидан фақат танишиш учун фойдаланилади.

Бир сўз билан айтганда, у оддий "ақлли" соат. "Android" негизидаги "Gmate OS" тизимида ишлайди. Қурилма намдан ҳимояланувчи махсус қопламага эга. Шунингдек, босилган қадамлар сони, сарф қилинган калория миқдорини ҳам ўлчайди, уйқу, организмдаги кислород даражаси ва юрак уриши меъёрини кузатади. Қурилма автоном равишда уч кун ишлай олади. "Cronovo" соатлари "Android" ва "iOS'"да ишловчи қурилмалар билан "Bluetooth" орқали боғланиб, ишлай олади.

Соат 2017 йилнинг ноябридан мижозларга етказиб берилиши режалаштирилмоқда. Лойиҳа учун керакли маблағни "Kickstarter" сайти орқали тўплаш йўлга қўйилган. Унинг силикон камарли намунаси 84 евро, металл билакузуклиси 104 еврога баҳоланмоқда.

Шаҳзод ГАФФОРОВ тайёрлади.

ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши партия Янгибозор туман кенгаши етакчи мутахассиси Отабек Аҳмедовга отаси **Қадамбой АҲМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши партия Шўрчи туман кенгаши етакчи мутахассиси Ўктам Шарафутдиновга онаси **Ҳадича аянинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради

РЕКЛАМА

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

"Асака" банк

ASAKA BANK

2016 йил — Соғлом она ва бола йилида қуйидаги миллий валютадаги муддатли омонат турини таклиф этади:

"СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА" ОМОНАТИ

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, "Асака" банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун "Асака" банк филиаллари телефонлари: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	(0-371)	120-83-13	Наманган вилоят филиали	(0-369)	227-15-68
Автотранспорт филиали	(0-371)	120-39-95	Навоий вилоят филиали	(0-436)	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	(0-371)	140-39-36	Зарафшон филиали	(0-436)	572-40-14
Юнусобод филиали	(0-371)	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	(0-365)	770-05-19
Сирғали филиали	(0-371)	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	(0-365)	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	(0-371)	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	(0-366)	233-65-47
Андижон вилоят филиали	(0-374)	223-60-74	Афросиёб филиали	(0-366)	221-71-76
Асака филиали	(0-374)	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	(0-375)	221-07-41
Фарҳод филиали	(0-374)	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	(0-376)	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	(0-373)	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	(0-361)	770-60-59
Марғилон филиали	(0-373)	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	(0-362)	228-14-81
Олтиариқ филиали	(0-373)	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	(0-367)	225-44-03
Қўқон филиали	(0-373)	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	(0-372)	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

"Асака" банк сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САЙДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1225, Адади — 5302. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Дилфуза РЎЗИЕВА
Навбатчи: Аҳмад ЮСУПОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 23.40.
ЎзА якуни — 23.00.

ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 5